13 ДЕК 1992


# Тошкент ҳақиқати

1928 йил 11 декабрдан чиқа бошлаган

№ 110 (10.360).

1992 йил 28 июль сешанба

Баҳоси 2 сўм.

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси


*Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг қарори*

## РЕСПУБЛИКАДА КАССА ОПЕРАЦИЯЛАРИНИ ТАРТИБГА СОЛИШГА ДОИР КЕЧИКТИРИБ БЎЛМАЙДИГАН ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Нақд пулни ғайриқонуний тарзда тўлашга ҳамда пулнинг қадрсизланишига олиб борадиган пул маблағларини сохта банк ҳужжатлари бўйича мижозларнинг ҳисоб варақаларига ўтказишнинг олдини олиш мақсадида вазирлар маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Республика хўжалик юритувчи субъектларининг банк ҳисоб варақаларига Ўзбекистон ташқарисидан юборилаётган сохта банк ҳужжатлари бўйича пул маблағларини ўтказишга йўл қўймаслик масъулияти Ўзбекистон Республикаси Марказий банки зиммасига юклатилсин.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тижорат банкларининг корреспондентлик ҳисоб варақаларига маблағларни «рубль» минтақасига кирувчи давлатларнинг марказий (миллий) банк муассасаларининг тамғали муҳри билан тасдиқланган ҳужжатлар бўйича ва уларни синчиклаб текширгандан сўнг ўтказсин.

2. 1992 йилнинг 1 октябридан бошлаб:

Барча корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларга фақат Ўзбекистон Республикаси марказий банкининг бўлимлари касса хизмати кўрсатиши;

Хўжалик юритувчи субъектларга кредит-ҳисоб-китоб ва инвестиция хизмати кўрсатиш Ўзбекистон деҳқончилик-саноат банки, Ўзбекистон саноат-қурилиш банки ва бошқа тижорат банклари зиммасида қолиши белгилаб қўйилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки нақд пулларни Вазирлар маҳкамасининг «Пул муомаласини барқарорлаштиришга доир кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида»ги 1992 йил 6 апрелда чиқарган 166-сон қарорига қатъий мувофиқ равишда берсин.

4. Ўзбекистон деҳқончилик-саноат банки билан Ўзбекистон саноат-қурилиш банки шу йилнинг 1 сентябрига қадар улар банк тизимини қайта ташкил этиш даврида собиқ СССР Давлат банкидан 1988 йилнинг 1 январигача бўлган ҳолатда қабул қилиб олган хизмат бинолари ва ускуналарни Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига топширсин.

Республика тижорат банклари касса хизмати кўрсатиш бўлимларини очиш учун ўзининг биноларидан ва ижарага олган биноларидан шартнома асосида Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига жой берсин.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки қабул қилиб олинган бинолар ва берилган иморатлар негизида ўз бўлимларини очсин, бу бўлимларга барча тижорат банклари мижозларига касса хизмати кўрсатиш ва нақд пуллар берилишини назорат қилиш вазифаси юклатилсин. Бўш турган хизмат бинолари ва машина-ускуналар Ўзбекистон саноат-қурилиш банки билан Ўзбекистон деҳқончилик-саноат банкига ижарага берилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 1992 йил 1 октябрига қадар марказий банк, тижорат банклари ва уларнинг жойлардаги бўлимлари раҳбар ходимларини ишлаб чиқилган низомга мувофиқ улар эгаллаб турган лавозимига мос ёки мос эмаслиги тўғрисида қарор қабул қилиш ҳуқуқи билан аттестациядан ўтказиш ҳақидаги таклифи қабул қилинсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига икки ҳафта ичида мулкчилик шакли қандай бўлишидан қатъи назар барча муассасалар, корхоналар ва ташкилотларга халқ хўжалигида касса операцияларини юритиш янги тартибини етказиш тавсия қилинсин.

Муассасалар, корхоналар ва ташкилотларнинг раҳбарлари касса операцияларини юритишнинг белгиланган тартиби қатъий бажарилишини таъминласинлар.

7. Республика Адлия вазирлиги, Молия вазирлиги, республика бош Давлат солиқ бошқармаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тасдиқлаган касса операцияларини юритиш тартибини бузганлик учун корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларнинг раҳбарлари ва бош ҳисобчиларининг жавобгарлиги тўғрисидаги таклифларни тайёрласин ва Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашига тақдим этсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Молия вазирлиги, Ўзбекистон жамғарма банки, Ўзбекистон саноат-қурилиш банки, Ўзбекистон деҳқончилик-саноат банки ва Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолият миллий банки зиммасига мулкчилик барча шаклларидаги корхоналар, ташкилотлар ва муассасалардан пул ўтказиш йўли билан фуқаролар ҳисоб дафтарчаларига келиб тушаётган маблағларни ҳисобга олиш ҳамда нақд пул бериш тартибини уч ҳафта муддатда ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

9. Тижорат банклари муассасаларининг раҳбарлари зиммасига корхоналар, ташкилотлар, кооперативлар ва муассасалар амалга ошираётган операциялар уларнинг тасдиқланган низомлари ва қоидаларига мувофиқ эканлигини назорат қилиш бўйича шахсий масъулият юклатилсин. Сохта ҳужжатлар тақдим этиш ҳоллари аниқланган тақдирда банк муассасалари материалларни дарҳол ҳуқуқни ҳимоя қилиш идораларига топширсинлар.

10. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Ўзбекистон саноат-қурилиш банки «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси ва Ўрта Осиё темир йўли бошқармаси, бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда хизмат сафарига юбориладиган шахслар учун муассасалар, корхоналар ва ташкилотларга фуқаро авиацияси, темир йўл транспорти чипталарини нақд пулсиз ҳисоб-китоб қилиш йўли билан сотишга ўтиш тартиби ва муддатлари тўғрисидаги келишиб олинган таклифларни Вазирлар Маҳкамасига икки ой ичида тақдим этсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тижорат банкларининг банк фаолияти билан, шу жумладан ташқи иқтисодий фаолият билан шуғулланишига ана шундай банкларни тегишли минтақа ҳудудида барпо этишга жиддий иқтисодий зарурат бўлган тақдирдагина ва Ўзбекистон Республикасининг «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Қонуни талабларига қатъий риоя этган ҳолда лицензиялар берсин.

12. Кредит заҳиралари ва нақд пул жуда етишмаётганини ҳисобга олиб, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг савдо-воситачилик ва савдо-харид операцияларини амалга ошириш учун қарз беришни (давлат эҳтиёжларини ҳамда ҳукуматнинг қарорларига мувофиқ равишда аҳолини ижтимоий ҳимоялашни таъминлаш бундан мустаснодир) 1993 йилнинг 1 июлига қадар вақтинча тўхтатиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

13. Мазкур қарор бажарилишини назорат қилиш Бош вазир ўринбосарлари—Вазирлар Маҳкамаси мажмуиларининг раҳбарлари зиммасига юклатилсин.

**Вазирлар Маҳкамасининг раиси**

**И. КАРИМОВ.**

**Тошкент шаҳри,**
**1992 йил 24 июль.**



**ЗАНГИОТА** районидаги Акмал Икромов номли жамоа хўжалигида ҳосил йиғим-терими авжида. Лекин, айрим ҳолларда сабзавотларни жойлаш учун идишлар етишмаяпти. Оқибатда булғор қалампирини ^ерга уйишга (чапдаги сурат) мажбур бўлмоқдалар.

Бироқ, шунга қарамай меҳнат самарали бўлаяпти. 6-бригаданинг илғор аъзолари Фотима ва Исмат Турунбетовлар (ўнгда) кунига 300—350 қадоқ помидор теришмоқда. Бригада бошлиғи М. Магдиев (пастда чапдан) агроном Н. Хўжаев ва колхозчи А. Жамсиевлар ҳосил чўғнни чамалашмоқда.

Суратқаш

**Н. МУҲАММАДЖОНОВ.**

# ТАРТИБ ВА ИНТИЗОМНИ КУЧАЙТИРАЙЛИК

### ИИГИРМА БИРИНЧИ ЧАҚИРИҚ ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ КЕНГАШИНИНГ XI СЕССИЯСИДАН

Халқ депутатлари Тошкент вилоят Кенгашининг навбатдаги сессияси бўлиб ўтганлиги ҳақида илгари хабар берган эдик. Сессияда Тошкент вилояти ҳокими С. Д. Сайдалиев «Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ўнинчи сессияси қарорларини бажаришга доир чора-тадбирлар тўғрисида» мавзуида маъруза қилди. Маърузачи, шунингдек музокараларда сўзга чиққан Ангрен шаҳар ҳокими С. Юсупалиев, Бекобод райони ҳокими М. Расулов, Қўйи Чирчиқ районидаги «Огонёк» совхоз-заводи директори З. Раҳматуллаев, Оҳангарон районидаги 12-мактаб директори А. Давронов, «Оҳангаронцемент» ишлаб чиқариш бирлашмасининг экология бўйича бош мухандис ўринбосари Ю. Гомонов, Зангиота районидаги Навоий номли колхоз раиси З. Ниёзов Ўзбекистонда фуқаролар тинчлиги ва тотувлигини сақлашда республика Олий Кенгаши сессияси қарорларининг ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидладилар. Вилоятимиздаги барча район ва шаҳарларда республика парламенти сессияси якунлари, сессияда қабул қилинган Мурожаатнома юзасидан фаоллар йиғилишлари, район Кенгашларининг сессиялари бўлиб ўтди. Уларнинг қатнашчилари Ўзбекистонда тинчлик ва осойишталик, тартиб, фуқаролар тотувлигини сақлашга қаратилган республика Олий Кенгашининг куч-ғайратларини қўллаб-қувватлаяжакларини изҳор қилдилар. Республикада барқарор иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий вазият сақланиб турганлиги республика раҳбариятининг сўзи билан ишлари бирлигидан далолат бериб турипти. Ҳозир ҳам иқтисодий ва сиёсий вазият барқарор бўлиб қолиши учун кўп иш қилинмоқда. Ижтимоий муаммоларни ҳал этишга эндиликда алоҳида эътибор берилмоқда. Бу, тушунарли, албатта. Чунки бозор муносабатларига ўтишнинг қийин даврида аҳолининг кўпгина қатламлари оғир аҳволда қолмоқдалар.

Ўзбекистонни халқаро майдонда обрў-эътибори кун сайин ортиб бораётир. Мустақил республикамизни 110 дан ортиқ мамлакат тан олди. Бу мамлакатларнинг кўплари билан ҳозироқ дипломатия алоқалари ўрнатилди, Ўзбекистон Бирлашган Миллатлар Ташкилоти аъзоси бўлди, Европада хавфсизликни сақлаш Кенгаши қатнашчилари бўлган мамлакатлар иштирокчилари таркибига кирди. Буларнинг ҳаммаси республика раҳбарияти, унинг Президенти ўз халқи орзу-умидлари, манфаатларига жавоб берадиган сиёсат ўтказаётганликларини яна бир бор тасдиқлаб турипти. Ўзбекистон делегацияси кейинги вақтда Жанубий Корея, Малайзия, Индонезия мамлакатларида сафарда бўлди. Бу давлатларнинг кўпгина фирмалари билан қўшма корхоналар тузиш тўғрисида битимлар имзоланди. Хорижий фирмалар республикамиз тимсолида обрўли шерикни кўриб бажонудил ҳамкорлик қилиш истагини билдирмоқдалар. Жаҳон Ўзбекистонга ишонмоқда.

Ўзбекистон қўшни мамлакатлар билан янада яқинроқ ўзаро ҳамкорлик қилишга интилмоқда. Бу борада кўп куч-ғайрат сарфланаётир. Ана шу хайрли ишлар муваффақиятли якунланиши учун албатта республикада барқарор тинч вазият сақланиб туриши керак. МДҲнинг бир қатор районларида вужудга келган танг аҳвол Ўрта Осиёга ҳам етиб келганлиги ташвишга солмай қўймайди. Вазиятни издан чиқариш ва тартибсизликлар бўлиши Ўзбекистонда ҳеч кимга керак эмас. Асабий вазиятни келтириб чиқариш, сиёсий аҳволни бузишга ҳаракат қилаётганлар ўз халқига яхшиликни раво кўрмайдилар. Бугунги кунда турли даражадаги жамоа раҳбарлари қандай мавқени эгаллаб турганлиги, ишни ташкил эта билишига кўп нарса боғлиқдир. Қийинчиликларга қарамай ишлай билиш муҳимдир. Одамлар билан яхши муомала қилишни ўрганиш, пайдо бўлаётган барча муаммоларни вақтида ҳал этиш лозим.

Жамоат тартибини бузишга интилаётган кишилар эса республиканинг мавжуд қо-

(Давоми 2-бетда).

РАТА—ТАСС ХАБАР ҚИЛАДИ

# КОСМИК КЕМА УЧИРИЛДИ

1992 йил 27 июль куни Москва вақти билан соат 10 дан 09 минут ўтганда Байқўнур космодромидан «Союз ТМ-15» космик кемаси учирилди.

Кемани халқаро экипаж: командир — Совет Иттифоқи Қаҳрамони, СССР космонавт-учувчиси Анатолий Соловьев, борт инженер Сергей Авдеев ва тадқиқотчи космонавт Франция Республикасининг фуқароси Мишель Тонини бошқармоқда.

Учиш режасида «Союз ТМ-15» кемасини орбитадаги «Мир» комплекси билан туташтириш ҳамда ўн биринчи экспедиция космонавтлари Александр Викторенко ва Александр Калери билан биргаликда ишлаш кўзда тутилган.

Россия—Франция экипажи космонавтлари ўзларини яхши ҳис этишмоқда.

Космик аппаратларни туташтириш 29 июль кунига белгиланган.

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони*

## «ЎЗБЕКТУРИЗМ» МИЛЛИЙ КОМПАНИЯСИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистонда жаҳон меъёрларига мувофиқ келадиган сайёҳлик тизимини вужудга келтириш, бу соҳани бошқаришни такомиллаштириш, унинг иқтисодий самарадорлигини оширишга мақсадида, шунингдек собиқ иттифоққа бўйсунувчи сайёҳлик корхоналари ва муассасалари республиканинг ҳуқуқий тасарруфига ўтгани муносабати билан:

1. Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси кенгаши Туризм ва экскурсиялар Республика кенгашининг, «Спутник» Халқаро ёшлар туризми бюросининг, «Интур-Тож» қўшма корхонасининг, республика хўжалик ҳисобидаги «Сайёҳ-интур» бирлашмасининг, собиқ СССР Давлат чет эл туризми комитети корхоналарининг шулар негизида «Ўзбектуризм» миллий компаниясини ташкил этиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

2. Қуйидагилар «Ўзбектуризм» фаолиятининг бош вазифалари ва йўналишлари этиб белгилансин:

туризм соҳасида республиканинг ягона сиёсатини амалга ошириш;

туризмнинг хўжалик тармоқлари мажмуини ривожлантириш;

туризмнинг барча турларини ривожлантириш учун ҳуқуқий, иқтисодий ва ташкилий асосларни ҳамда шарт-шароитларни вужудга келтириш;

сайёҳлик марказларидан оқилона фойдаланиш, хорижий сармояларни жалб этиш йўли билан замонавий сайёҳлик комплексларини барпо этиш;

экскурсиялар учун тарихий-меъморлик иншоотларини таъмирлаш;

йирик ажнабий фирмалар ва компаниялар билан бирга қўшма сайёҳлик хизматларни ва корхоналари ташкил этиш;

жаҳон бозорида талаб қилинаётган янги сайёҳлик маршрутлари ва хизматларининг турларини татбиқ қилиш;

туризм тармоқлари учун кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш;

Ўзбекистон ҳудудида иш юритувчи барча мулкчилик шаклидаги корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга туризм соҳасида шуғулланиш ҳуқуқини берадиган сертификатларни топириш ҳамда улар фаолиятини назорат қилиш;

ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириш;

ўзининг ишлаб чиқариш ва тижорат тузилмасини ташкил қилиш;

чет эллардаги ўз ваколатхоналари ва бюролари орқали республиканинг туризм соҳасидаги ғоят катта имкониятларини реклама қилиш.

3. «Ўзбектуризм» миллий компанияси Ўзбекистон ҳудудида туризм соҳасидаги ягона сиёсатни ишлаб чиқиб, амалга оширишни таъминлайдиган мувофиқлаштирувчи Бош идора деб ҳисоблансин.

Вазирлар маҳкамаси 10 кун муддат ичида ушбу фармонни рўёбга чиқаришга доир ташкилий чора-тадбирларни кўзда тутувчи қарор қабул қилсин.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти**

**И. КАРИМОВ.**

**Тошкент шаҳри,**
**1992 йил 27 июль.**

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИДА

Кейинги вақтда жуда тақчил озиқ-овқат маҳсулотлари ва халқ истеъмоли молларини республикадан ташқарига ғайриқонуний равишда олиб кетиш ҳоллари тез-тез учрамоқда.

Дон, ун, қанд-шакар, ўсимлик ёғи, чой, дори-дармонлар каби республикада етишмай турган ва чет элдан келтиришга мажбур бўлинаётган маҳсулотларни Ўзбекистондан ташқарига олиб чиқиб кетишга уриниш ҳоллари айниқса ташвиш туғдирмоқда.

Республика ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги мол—моддий бойликларни Ўзбекистондан олиб кетилишини назорат қилиш давлат инспекциясининг маълумотларига қараганда, 1991 йил ноябридан 1992 йил 20 июлигача бўлган даврда мол-моддий бойликларни республикадан олиб кетишнинг белгиланган тартиби 20 минг мартадан ортиқ бузилганлиги аниқланган, жами 700 миллион сўмлик молларни олиб кетишга уринилган.

Тошкент, Фарғона, Бухоро, Андижон, Наманган вилоятларида бу соҳада мураккаб вазият юз берган, Тошкент вилоятида жами 113 миллион сўмлик, Фарғона вилоятида 62,5 миллион сўмлик, Бухоро вилоятида 42 миллион сўмликдан кўпроқ, Андижон вилоятида 37 миллион сўмлик, Наманган вилоятида 27 миллион сўмлик мол-моддий бойликларни ғайриқонуний равишда олиб кетишга уринишга чек қўйилди. Тошкент шаҳрида 60 миллион сўмлик маҳсулотларни ана шундай тарзда олиб чиқиб кетишнинг олди олинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси озиқ-овқат маҳсулотлари, жиҳозий моллар, табобат буюмлари ва дори-дармонлардан белгиланган мақсадда фойдаланишни таъминлаш учун «Озиқ-овқат маҳсулотларини, дори-дармонлар ва айрим халқ истеъмоли жиҳозий молларини Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ғайриқонуний равишда олиб кетиш ҳоллари тўғрисида» қарор қабул қилди.

Белгиланган миқдорда маҳсулот сотиш тартиби кўпол равишда бузилишига ва Ўзбекистондан ғайриқонуний равишда олиб кетилишига йўл қўйилганлиги учун Тошкент вилоят матлубот уюшмасининг раиси М. А. Зокиров вазифасидан бўшатилди, Андижон вилоят матлубот уюшмасининг раиси С. Қ. Эминов «Ўзбекбирлашув» бошқарувининг қарори билан қаттиқ жазоланди.

«Ўзбекбирлашув», «Ўзбексавдо» уюшмаси раҳбарларига қанд-шакар ва унни кўп миқдорда сотиш, шунингдек мазкур молларни республикадан ташқарига ғайриқонуний йўл билан олиб кетишга уриниш ҳолларини текшириб, бу ишда айбдор бўлган ходимларга нисбатан улар эгаллаб турган лавозимдан бўшатишгача бўлган қаттиқ жазо чораларини кўриш топширилди.

Ички ишлар вазирлигига аниқланган воқеаларни тўлатўкис текшириш ва айбдор шахсларни топиш, материалларни прокуратура идораларига топшириш учун зарур чоралар кўриш, тартиббузарларга шошилинч таъсир ўтказиш учун маҳсулотларни ғайриқонуний йўл билан олиб кетиш ҳоллари тўғрисида тегишли вазирликлар ва идоралар ўз вақтида хабардор қилиб туриш лозимлиги кўрсатиб ўтилди.

Мудофаа вазирлиги ўзига бўйсунувчи муассасаларда дори-дармонларнинг сақланишини таъминлаш, заҳарли—наркотик моддалардан фойдаланиш устидан қаттиқ назорат қилишни таъминлаш чораларини кўриши лозим.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари озиқ-овқат маҳсулотлари ва жиҳозий моллар, дори-дармонлар сақланишини, уларни республикадан олиб чиқиб кетишнинг қонунийлигини таъминласинлар, бунинг учун улар шахсий жавобгардирлар.

Соғлиқни сақлаш вазирлигига Молия вазирлиги билан биргаликда Тошкент шаҳри, Тошкент, Фарғона, Андижон вилоятларидаги бир қанча муассасаларнинг хўжалик-молиявий фаолиятини тафтиш этиш топширилди. Тафтиш якунлари Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ҳайъатида кўриб чиқилсин. Дори-дармонларнинг сақланиши ва улардан белгиланган мақсадда фойдаланиш устидан назоратни бўшаштириб юборган шахсларга нисбатан жазо чоралари кучайтирилсин.

«Ўзбексавдо» уюшмаси, «Ўзбекбирлашув», «Ўзкоопзаготторг», савдо тармоқлари ва озиқ-овқат маҳсулотларини қайта ишлаш цехлари бўлган вазирликлар, идоралар, уюшмалар, концернлар, бирлашмаларга, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимиятларига молларни сотиш тартибига риоя этилиши устидан назоратни кучайтириш уларнинг базалар ва омборлардан сотилишига, шунингдек уларни сотиш меъёрини оширишга йўл қўймаслик зарурлиги кўрсатиб ўтилди. Халқ истеъмоли моллари ғайриқонуний равишда республикадан ташқарига олиб кетилиши ва жўнатилиши ҳолларига қатъий чек қўйилсин.

Молларни белгиланган меъёрларга қатъий мувофиқ равишда тўғри сотилиши учун савдо ташкилотлари ва корхоналар раҳбарларининг шахсан жавобгар эканлиги белгилаб қўйилсин.

Ўзбекистон Дон маҳсулотлари, Ўзбекистон мева-сабзавот, виночилик саноати, Ўзбекистон Озиқ-овқат саноати концернларининг, Маҳаллий саноат вазирлигининг раҳбарлари озиқ-овқат моллари маҳсулотлари ва халқ истеъмоли молларининг сақланиши, улар савдо ташкилотларига ўз вақтида етказиб берилиши учун зарур чораларни кўрсинлар, хом ашё ва маҳсулотлардан белгиланган мақсадда фойдаланишни назорат қилишни кучайтирсинлар.

# ТАРТИБ ВА ИНТИЗОМНИ КУЧАЙТИРАЙЛИК

(Боши 1-бетда).

нунларига мувофиқ жазоланишлари керак.

Ҳозирги вақтда иқтисодиётга эътибор бериш ниҳоятда муҳимдир. Иқтисодиёт соҳасидаги ютуқлар барқарор сиёсий вазиятни сақлаб қолишга кўп жиҳатдан имкон беради. Сўзга чиққанлар иқтисодий сиёсатни моҳирлик билан олиб бориш, айниқса, қишлоққа катта эътибор бериш лозим, деб таъкидладилар.

Иқтисод масалаларида кўп нарсалар раҳбарларга боғлиқ. Шерикчилик алоқаларини ривожлантириш зарур, чунки республикага кўп нарсалар бошқа минтақалардан олиб келинади.

Маълумки, яқинда Ўзбекистонда озиқ-овқат маҳсулотлари нархлари оширилди. Лекин бунда бир масалага алоҳида эътибор бермоқ зарур: ана шу нархлар оширилгандан кейин ҳам кўп соҳаларда МДҲнинг бошқа минтақаларидаги нархлардан бизда моллар баҳоси арзон бўлиб турибди. Бунда бозор шароитида халқ турмуши даражаси пасайишига йўл қўймасликка интилаётган Ўзбекистон Президенти, республика раҳбариятининг куч-ғайрати кўриниб турипти. Шундай экан, ана шундай куч-ғайратни жойларда ҳам қўллаб-қувватлаш муҳимдир.

Четдан катта қийинчиликлар билан қанд-шакар олиб келинаётган бир пайтда уни нопок қўллар бу ердан олиб чиқиб кетиб, чайқовчилик қилишга уринишаётганликлари инсофли одамнинг иши эмас. Бу ҳолларга узил-кесил чек қўйиш лозим.

Сессия қатнашчилари яна шуни таъкидладиларки, вилоятда халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш ҳажми қисқармоқда. Бу ҳол ташвишлантирмай қолмайди. Чунки иш бундай кетса нархларни сақлаб қолиб бўлмайди.

Деҳқонлар пешона тери билан етиштирган маҳсулотлар вилоят аҳолиси дастурхонига тўла етиб бормаяпти. Бунинг сабаби омборлар, совутгичлар етишмаётганлиги, маҳсулотни ташиш ёмон ташкил қилинганлигидир. Ҳозир жойларда сабзавотдан яхши ҳосил етиштирилган. Лекин уни ташиш имкониятлари қишлоқ аҳлида деярли йўқ. Меҳнат жамоалари, хусусан, ўз базасига эга бўлган йирик корхоналар, масалан, Ўзбекистон қаттиқ қотишмалар ва ўтта чидамли металлар комбинати сингари корхоналар дала маҳсулотини ўзлари ташишни ташкил этиб қишлоққа ёрдам кўрсатишлари керак.

Ҳозирги вақтда қишга тайёргарлик кўриш ниҳоятда муҳимдир. Ҳар бир шаҳар, ҳар бир район қиш ойларига тайёргарликни ҳозирдан бошлаши зарур. Бунда муҳим ва иккинчи даражали масалалар йўқ. Тошкент вилоят ҳокимининг биринчи муовини Л. П. Тернових сессияда «Вилоят халқ хўжалиги иншоотларини 1992—1993 йиллар кузги-қишки даврда ишлашга тайёргарлиги тўғрисида» мавзуида маъруза қилди. Бу масаланинг сессия кун тартибига қўйилганлиги, деб таъкидлади маърузачи, аввало шаҳар ва районларда барқарор ижтимоий-сиёсий аҳволни сақлаб қолиш тўғрисида ўйлаш, шунингдек, қишнинг мураккаб даврида минтақа корхона ва ташкилотларининг бир маромда ишлаши зарурлиги билан изоҳланади.

Ҳозирги даврдаги қишга тайёргарликнинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, бу ишни биринчи марта ҳамма деярли ўзи мустақил бажаришига тўғри келади. Бозор иқтисодиётига ўтишнинг қаттиқ талаблари бу жараённи мураккаблаштирди. Лимитлар, жамғармалар, нарядлар, давлат томонидан етказиб бериш деган тушунчалар энди ўтмиш бўлиб қолди. Булар ўрнига биз ҳозирча ўрганмаган бартер, биржа, квота сўзлари кириб кела бошлади. Ҳозирги вақтда халқ таълими, соғлиқни сақлашдек кам ҳимоя қилинган тармоқлар ҳам қишга тайёргарлик учун керак бўладиган ҳамма нарсаларни топишда йирик саноат корхоналари билан деярли бир хил шароитга тушиб қолдилар.

Бугунги кунда ҳаммага қийин. Лекин ҳозироқ қишга тайёрланиш лозим. Деярли мунтазам ўзгариб бораётган нарх-наволари ҳисобга олиб бирор кунни ҳэм бой бермаслик керак.

Вилоят халқ хўжалиги иншоотларини кузги-қишки даврда барқарор ишлашга ўз вақтида ва сифатли тайёрлаш мақсадида ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 18 майдаги № 10-17-76 рақамли фармойишини бажариш йўлида биз қишга тайёргарлик бўйича махсус тадбирлар ишлаб чиқдик, уни вилоят ҳокими тасдиқлади. Вужудга келадиган масалаларни тезда ҳал қилиш ва иш қандай бораётганлигини назорат қилиб туриш юзасидан вилоят, шаҳар ва район ишчи комиссиялари тузилди.

Белгиланган дастурларни амалий рўёбга чиқариш учун нафақат маҳаллий Кенгашларнинг балки аввало, вилоят ҳудудида жойлашган барча мэнфаатдор вазирликлар, идоралар, корхоналар ва хўжаликларнинг куч ва маблағлари ҳам жалб қилинмоқда.

Хонадонларимизда иссиқ ва қулайликлар бўлиши аввало энергетика мажмуининг қандай ишлашига боғлиқдир. Вилоят ҳудудида учта иссиқлик электр станцияси ва 4 та гидроэлектростанциялар каскади ишламоқда. Минглаб трансформатор подстанциялари ва тақсимлаш қурилмалари Тошкент электр станцияси балансида турипти. Бу мураккаб хўжаликнинг ҳаммаси бир маромда ишлаши зарур. Ана шу тизимнинг бирон бир жойида авария бўлиб қолса кўплаб корхона ва хўжаликлар тўхтаб қолади, аҳоли учун ноқулай шароит вужудга келади. Бунинг учун мажмуанинг бу йўналишида қишга тайёргарлик иши электр тармоқлари ва станцияларининг ишончлилигини оширишга қаратилиши лозим. Энергетика мажмуининг раҳбарлари Долин, Бобораҳимов ва Ёдгоров ўртоқлар ўтган қишдаги камчиликларни ҳисобга олишлари зарур. Электр станцияларида, хусусан Янги Ангрен ва Ангрен ГРЭСларига берилган нагрузкалар даражаси пасайишига йўл қўймаслик керак.

Газ билан таъминлашнинг ишончли бўлишига катта эътибор бериш талаб қилинади. Вилоятни газ билан таъминлашни яхшилаш учун «Тошвилгаз» бошқармаси 2 та қўшимча газ созлаш пункти ўрнатди, 4 та участкада газ қувури ягона тармоққа уланди. Ерости газ тармоқлари асбоблар билан пайвандланди.

Ўтган йилдаги камчиликларни ҳисобга олиб Пискент ва Чиноз районларини газ билан таъминлаш тармоқларини яхшилаш режаси белгиланди.

Тажриба шуни кўрсатмоқдаки, биринчи совуқ тушиши билан газ таъминоти аҳволи кескин ёмонлашади. Бу йил вилоят бўйича ўтган йилдагига қараганда 220 миллион куб метр газ кам. Шунинг учун газ йўқотилишига йўл қўймаслик, газ қувурларини, қудуқлар ва бошқа иншоотларни қишки шароитда ишлашга ўз вақтида тайёрлаш жуда муҳимдир.

«Тошвилгаз» бошқармаси эса 3186 газ қудуғидан ярмини таъмирлади ва атиги 120 тасини тафтишдан ўтказди. Вилоят деҳқончилик саноат уюшмасида қарийб 2 минг километр газ қувури балансда турипти. Бу қувурларнинг кўп участкалари таъмирланмайди ва етарли назорат қилиб турилмайди. Қарийб 100 километр газ тармоғи алмаштирилиши керак.

Халқ хўжалиги тармоқлари пухта ишлашини таъминловчи воситалардан бири вилоят корхоналари, ташкилотлари ва хўжаликларининг резерв ёнилғи билан қандай таъминланганлиги ҳисобланади. Афсуски, бу борада ҳамма иш яхши деб бўлмайди. Вилоятда мавжуд мазутли қувватлар 15 июлгача атиги 81 фоиз тўлдирилган. Чирчиқ трансформатор ва Янгийўл консерва заводларида қувватлар тўлдирилмаяпти. Ўзбекистон металлургия заводида бу қувватлар 45 фоиз, иссиқлик электростанцияларида 65 фоиз даражасида тўлдирилган.

Янгийўл районидаги Усмон Юсупов номли бирлашмада, Зангиота районидаги «Қорасув» теплица хўжалигида резерв ёнилғи омборлари ишлаш учун тайёрлаб қўйилмаган. Бу билан республика ҳукуматининг газ қувурларида авария бўлган пайтда теплица хўжаликларида қаттиқ ёки суюқ ёнилғининг 20 кунлик заҳираси бўлиши тўғрисидаги қарори бажарилмаяпти.

Ёнилғи-энергетика ашёларига баҳоларнинг ҳар ойлик ошиб боришини ҳисобга оладиган бўлсак, ёнилғи заҳираларини етарли қилиб қўйиш қанчалик муҳимлигини тушуниш қийин эмас.

Маърузачи шунингдек, ҳозирги вақтда кўмир саноатида юз берган вазият, «Нефть маҳсулотлари» бирлашмасининг қишки шароитда ишлашга тайёрлиги ҳақида ҳам гапириб ўтди, иссиқлик билан таъминлаш, уй-жой хўжалиги, халқ таълими, соғлиқни сақлаш, қишлоқ хўжалиги иншоотларини кузги-қишки даврга тайёрлашнинг муҳимлигини таъкидлади. Шу масала юзасидан сессияда Олмалиқ шаҳар ҳокими Ю. Беланов, «Таштеплокоммунэнерго» ишлаб чиқариш бирлашмаси бошлиғи Ю. Ким, вилоят соғлиқни сақлаш бўлими мудири М. Бекнозова, «Нефть маҳсулотлари» ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори Б. Қодиров сўзга чиқдилар.

Сессия муҳокама қилинган масалалар юзасидан қарорлар қабул қилди.

*Ўзбекистон жаҳонга юз тутмоқда*

# БАНК, ТИЖОРАТ ВА САРМОЯ



Шу кунларда Бўстонлиқнинг хушманзара Чимён сайёҳлар мажмуасига кириб қолган одам қулоғига турли тилларда, кўпинча нотаниш сўзлар чалинади. Бу ерда олаётган билим уларга эртага халқаро тижорат майдонига дадил кириб боришлари учун мустаҳкам пойдевор бўлишига шак-шубҳа йўқ.

Биз учун ишлаб чиқилган семинар-ўқув дастурининг муаллифи банк соҳасида таниқли мутахассис Шакил Фарукидир. Машғулотларни, шунингдек, профессорлар Жейди Фон Пишке, Боб Алисон, доктор Шмайдер, йирик мутахассис Кейс Уолрен ва бошқалар олиб боришяпти.

Ана шундай ўқувлар, тажриба алмашишлар юртимиздан бутун дунёга машҳур бўладиган банк мутахассислари чиқишига кўмаклашади, деган умиддамиз. Масалан, биз университетимиз доценти Дурбек Аҳмедовни Умумжаҳон банкига иш ўрганиш учун юборган эдик. Беш ой мобайнида Дурбек иқтидорли мутахассис эканлигини исботлади. Ҳозир уни Умумжаҳон банкининг Ўрта Осиё давлатлари ва Қозоғистон бўйича маслаҳатчи лавозимига ишга таклиф қилишиб, ойига 4 минг доллар миқдорида маош белгилашибди. Буёғини яхшиси унинг ўзидан эшитақолинг.

Дурбек Аҳмедов:

— Умумжаҳон банкида Ўрта Осиё давлатлари ва Қозоғистон бўлимининг ташкил этилиши катта воқеа бўлди. Очиғини айтадиган бўлсак, биз мустақил давлат сифатида энди халқаро тижорат майдонига кириб бораяпмиз. Бу халқаро молиявий ташкилотларда республика манфаатларини моҳирлик билан ҳимоя қилиш бевосита мутахассисларимизнинг малакаси, иқтидорига боғлиқ бўлади. Ҳозир семинар-ўқувда иштирок этаётган давлатимиз вакиллари бу масъулиятни чуқур ҳис этган ҳолда халқаро тижорат қонун-қоидаларини қунт билан ўрганмоқдалар.

Ўқув Бўстонлиқдаги машғулотлар билан тугаб қолмайди. Унинг қатнашчиларига Вашингтонга бориб, Умумжаҳон банки фаолияти билан танишиш, уларга иш ўргатиш имкониятларини яратиш ҳам мўлжалланмоқда. Бунинг учун ҳаражатларни ҳам Умумжаҳон банки кўтариш ниятида.

Шакил Фаруки, ўқув дастури муаллифи:

— Биз давлат мустақиллигига эришган республикангизга халқаро банк мутахассислари тайёрлашда кўмаклашаётганимиздан мамнунмиз. Умумжаҳон банки иқтисодий тараққиёт институти ташкил этилганидан ўтган 35 йилдан кўпроқ вақт ичида бу соҳада катта тажриба тўплаган.

Ҳозир иқтисодиётингизни ўнглаш, жаҳон бозори талабларига жавоб берадиган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни таъминлайдиган замонавий техника ва технологияга эга бўлиш учун сизларга албатта кредит керак. Уни олиш қонун-қоидаларини билиш зарур. Бунда ана шу кредит берилишини асослаб бериш энг муҳим масалалардан ҳисобланади. Чунки бирорта халқаро банк таклиф этилаётган лойиҳанинг иқтисодий жиҳатдан самарадорлиги, кредит юқори самара беришига тўла ишонч қилмаса қарз бермайди. Машғулотларда бу масалаларга катта эътибор берилган.

Яна бир диққатга молик масала. Тошкентда Умумжаҳон банкининг ваколатхонаси очиляпти. Ҳозир Умумжаҳон банки мутахассислари Ўзбекистондаги аҳволни чуқур ўрганмоқдалар.

Республикангиз жаҳон молия тизимига қўшилиш соҳасида олиб бораётган саъи-ҳаракатларини табриклаш керак. Мана шу Бўстонлиқда Тошкент Иқтисод университетининг энг иқтидорли талабалари учун бизнес мактаби ташкил этилди. Улар ҳозирдан халқаро тижорат қонун-қоидаларини, хорижий тилларни ўрганаётган, амалий машғулотларда билимларини пухталаётган экан. Ўйлайманки, истеъдодли ёшларга жаҳон талаблари даражасида билим бериш учун ҳамма имкониятларни ишга солаётган Ўзбекистон Республикасининг иқтисодиёти тез орада равнақ топади, халқингиз эса маърифатпарвар дунё аҳолисига муносиб фаровон турмуш кечира бошлайди.

**Адолат НОСИРОВА.**

**СУРАТЛАРДА: семинар-ўқув қатнашчилари.**
**СУРАТКАШ В. ХАРИТОНОВ.**

# «ТАДБИРКОР» АНВАР

## ЁКИ «НУР АНВАР БАНК» ХУСУСИДА

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкидан хабар беришларича, сўнгги ойларда «Нур Анвар банк» деган ном билан тилга тушган муассаса ёпиладиган бўлди. Нега?

Ахир, уни даставвал собиқ СССР Давлат банки, 1990 йил 31 декабрда эса Ўзбекистон ССР давлат банки рўйхатга олган эдику? Расмийлаштириш учун тақдим этилган ҳужжатлар— бўлажак банкнинг дастлабки жамғармаси, пайчилари аниқ кўрсатилгани ҳам бор гап. Мана улар:

1. «Звезда Востока» халқаро ширкатлар уюшмаси— — 4.500 сўм.

2. «Звезда Востока» халқаро ширкатлар уюшмасининг уй-жой қурилиши фирмаси — 500 минг сўм.

3. «Звезда Востока» халқаро ширкатлар уюшмасининг ишлаб чиқарув-савдо фирмаси — 500 минг сўм.

4. «Звезда Востока» халқаро ширкатлар уюшмасининг умумий овқатланиш фирмаси — 500 минг сўм.

5. «Звезда Востока» халқаро ширкатлар уюшмасининг автомобиль созлаш фирмаси — 500 минг сўм.

6. «Звезда Востока-2» кўп тармоқли ширкати — 500 минг сўм.

Буни қарангки, омад чопса, шому ироқдан ҳам насиба келаверар экан. 1989 йилнинг 9 ноябрида, ҳали «Нур Анвар банк» Ўзбекистонда рўйхатдан ўтмасдан туриб, «Звезда Востока» халқаро ширкатлар уюшмаси ушинг ҳисобига 6.262 минг сўм ўтказди. Орадан кўп ўтмай, бу уюшма яна банкка 1.100 минг сўм берди.

Хуллас, Ўзбекистон Республикасининг «Банк ва банклар фаолияти тўғрисида»ги қонунида кўрсатилган бир муассиснинг ташкил этилаётган банкка қўяжак маблағи дастлабки жамғарма миқдорининг 35 фоизидан ошмаслиги керак, деган талаб бузилди.

Текширишлар натижасида мазкур банкнинг устав фонди ва банкнинг ўзи белгилаб қўйилган қонунларга зид равишда ташкил этилгани аниқланди.

Жумладан, ҳужжатларда номлари зикр этилган пайчиларнинг «Звезда Востока» халқаро ширкатлар уюшмасидан бошқа бирортаси банк ҳисобига маблағ ўтказмаган ва улар қоғозда сохта муассис сифатида қайд этилган.

Банк ҳақидаги қонунларга кўра, муассислар ўзларининг эркин маблағларидан фойдаланишлари керак. «Звезда Востока» халқаро ширкатлар уюшмасининг «Нур Анвар банк»га ўтказган 7362 минг сўми шундай маблағ эдими? Йўқ. У Москвадаги марказий илмий-тадқиқот институтининг Ленинград филиалига 200 та компьютер етказиб бериш шарти билан олган 8 миллион сўми ҳисобидан ўтказилган эди. Демак, банк эркин маблағга эмас, қарз ҳисобига ташкил этилиб, республиканинг «Банк ва банклар фаолияти тўғрисида»ги Қонунини яна бузган.

Шундай қилиб, «Нур Анвар банк» Ленинграднинг 8 миллион сўмини «қимор»га тикиб, шерикларини «чув» туширди. Ваъда қилинган 200 компьютерни етказиб бера олмади. Сўнг Минск шаҳрига «ов»га чиқилди. У ерда ногиронларни моддий жиҳатдан ҳимоялаш «инвасервис» республика бирлашмасини ўз «ўйини»га тортди. Уларга ҳам ҳисоблаш техникалари ваъда қилиб, 9 миллион сўм пулни «Звезда Востока» халқаро ширкатлар уюшмаси номидан ленинградлик шериклари ҳисобига ўтказди. Бошқача айтганда, Алининг дўпписини Валига кийдириб, соясида кун кўриб юраверди.

Қингир ишларининг ривож олаётганига амин бўлган банкчилар беларуслик лақмаларнинг қўйнини пуч ёнғоққа тўлдириб, яна 7 миллион сўмини олдилар ва икки кундан сўнг «инвасервис» республика бирлашмасига ваъда қилинган молни етказиб бера олмасликларини баҳона қилиб, аҳдларидан қайтдилар. Натижада, беларуслик ногиронлар 16 миллион сўмга қуйиб қолаверишди.

Воқеадан хабар топган Ўзбекистон давлат банкининг масъул комиссияси «Нур Анвар банк» фаолиятини муҳокама қилиб, бир ой муддат ичида унинг бошқарувига қонунчиликни қўпол равишда бузган «Звезда Востока» халқаро ширкатлар уюшмасини муассислар ҳисобидан чиқариш, унинг пулларини қайтариб бериш ва устав фондини янги таъсисчилар ҳисобидан қайта ташкил этиш талабини қўйди.

Шунга қарамай, «Нур Анвар банк» «Звезда Востока»нинг атиги 4.500 минг сўмини қайтариб, қолганларини ўз ҳисобида сақлаб қолди.

Банк «тадбиркор»лари бундай талабларни бажармасликдан манфаатдор эдилар, албатта. Чунки ҳисобга ноқонуний тушган маблағларни қайтариш муддати қанча чўзилса, ишлаб чиқаришга қўйилган пул шунча фойда келтиради-да! Хуллас, «Нур Анвар банк» «Ўзплодоэкспорт», «Узвнешторг», «Ишлаб чиқариш-савдо фирмаси» каби тижорат ташкилотларини таъсис этиб, ўзини ташкил этган муассисларнинг сардорига айланиб қолди. Ана шу корхоналарни ташкил этишда ҳам Ўзбекистон Республикаси қонунлари бузилган.

Текширув натижалари шуни кўрсатдики, «Нур Анвар банк» бошқаруви Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг махсус рухсатномаси — лицензиясига эга бўлмаган ҳолда чет эл валютаси операцияларини ўтказган. Фуқароларнинг сўмларини валютага алмаштириб, уларга маълумотномалар берган. Жорий йилда 14,5 минг АҚШ долларига маълумот хати берилган. Аммо банкда мазкур операциялар ўтказилганидан далолат этувчи ҳужжатлар йўқ. Бундан ташқари, банк ўз фаолияти давомида касса интизоми ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар маҳкамасининг ҳамда давлат банкининг «Банк кассаларидан нақд пул беришни чеклаш тўғрисида»ги кўрсатмасини бузган.

1992 йилнинг биринчи ярмида «Нур Анвар банк» ўз фаолиятини 744 минг сўм зарар билан якунлади. Шунга қарамай, у қонунларни бузиб, бир неча миллион сўм солиқ тўламай келган.

Ҳурматли ўқувчиларимизни «Нур Анвар банк» раҳбарларининг ки лиги қизиқтириши табиий. Марҳамат, танишинг:

1. «Звезда Востока» халқаро ширкатлар уюшмаси раиси — Анвар Тилланазаров.

2. «Интервосток» халқаро иқтисодий уюшмаси президенти — Анвар Тилланазаров.

3. «Нур Анвар банк» бошқарувчиси Анвар Тилланазаров.

Ҳа, барча ҳужжатларга ўзлари имзо чекиб, ўзлари тасдиқлаб, пул топишнинг ҳадисини олган бу «тадбиркор» — Анвар Тилланазаров жанобларининг ўзлари бўладилар.

# ВИЛОЯТ ПРОКУРАТУРАСИДА

**ЎЗБЕКИСТОН Республикаси Прокурорининг буйруғи билан адлия маслаҳатчиси Тўлқин Камолович Комилов Тошкент район прокурори лавозимига тайинланди.**

**Т. К. Комилов 1944 йилда туғилган, олий маълумотли, прокуратура органларида 1974 йилдан бери ишлайди. Ўз фаолияти давомида Ўзбекистон Республикаси ва вилоят прокурорларининг буйруқлари билан бир неча марта тақдирланган.**

**КИЧИК адлия маслаҳатчиси Шавкат Шерматович Раҳматуллаев Оҳангарон шаҳар прокурори этиб тайинланди.**

**Ш. Ш. Раҳматуллаев 1956 йилда туғилган, прокуратура органларида 1980 йилдан бери ишлайди, вилоят прокурорининг буйруқлари билан бир неча марта мукофотланган.**

**ОҲАНГАРОН район прокурорлигига 1957 йилда туғилган, олий маълумотли, 1-даражали юрист Абдуғани Абдувоҳитович Набиев тайинланди.**

**Прокуратура органларида 1984 йилдан ишлаб келаётган А. А. Набиев Ўзбекистон Республикаси ва Тошкент вилояти прокурорларининг буйруқлари билан бир неча марта тақдирланган.**

# БЎШ ЕРЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ КЕРАК

ОҲАНГАРОН шаҳридаги 1-қариялар уйида ҳам ўз-ўзини таъминлашга эътибор кучайди. Қариялар уйининг директори З. Оқилов ошпазларга ниш чиқарган картошкаларни, кўкарган пиёзларни йиғиб қўйишни буюрди. Шундай қилиб эрта баҳорда бодгари бўш ётган олма дарахтлари орасига 160 қадоқ пиёз, ярим таноб жойга 500 қадоқ картошка экиб қўйилди.

Пардабой Қурбонбоев, Исроил Муллажанов, Сайфулла ва Илҳом Холқўзиевларнинг тинимсиз меҳнати, қариялар кўмаги билан мўл ҳосил етиштирилди. Нонинг ушоғи ҳам нон деб бежиз айтишмас экан. Ўша ердан 2 тоннадан ортиқ картошка олинди. Пиёз-ну, пешма-пеш қариялар дастурхонига тортиқ қилиб турилибди. Бўшаган жойга дарҳол сабзи экилди.

**А. ҲАЙИТОВ.**

# ЕМ-ХАШАК РЕЖАСИ БАЖАРИЛДИ

— ЕМ-ХАШАК режасини барвақт бажардик,—дейди Тошкент районидаги Тўлабий номли жамоа хўжалигининг сут-товар фермаси мудири Тошпўлат Хўжамуродов.— 800 тонна ўрнига 1350 тонна беда сенаж ўрага босилди, 1750 тонна дағал хашак жамғардик. 1050 тонна беда пичани ва 708 тонна қуруқ беда хирмони тайёрланди. Шунингдек, босилган сенаж 2 минг тоннага етказилади.

Тошпўлат аканинг гапида жон бор. Қувондиқ Қосимбоев, Қудрат Матжонов каби бригадирлар бу борада муносиб ҳисса қўшдилар. Ем-хашакни машинада ташувчи ҳайдовчилар Ш. Тожибоев, Т. Андабоев, Б. Раҳимбековлар икки йиллик ем-хашак тайёрлаш ниятида меҳнат қилмоқдалар.

**Т. ДУСОНОВ.**

# ХИЁНАТ

## ЁКИ «ЎЗБЕКЛАР ИШИ»НИНГ БОШ ҲОМИЙСИ ҲАҚИДА

ТАРИХНИНГ СЎНГГИ етмиш йилида заҳматкаш халқимиз оғир кунларни бошидан кечирди, мустамлакачилик зулми остида ўзининг бой маданий меросини сақлаб қолиш, она тилини йўқотмаслик йўлида мислсиз қурбонлар берилди. Ана шу заминда дунёга келган маданият санъат арбоблари, давлат раҳбарларининг аксарияти Ўзбекистоннинг миллий давлат бўлиб таркиб топишида ўз халқига фидойи бўлдилар, мозийда сўнмас из қолдирдилар. Лекин худди шу етмиш йиллик зиддиятлардан иборат даврда жумҳуриятни бошқарган арбобларнинг ҳаммаси ҳам халқимиз ишончини оқлаб, ўз юртининг асл фарзандлари деган шарафли номга муяассар бўлишди, деб бўлмайди. Уларнинг баъзилари ўз инсоний фазилатлари пастлиги, миллий ғурури йўқлиги, мансабпарастлиги, худбинлиги, айш-ишратга берилганлиги оқибатида мустамлакачилар қўлида қўғирчоқ бўлди, айримлари эса шуҳратпарастлиги, калтабинлиги, қўрқоқлиги туфайли ўз элига чексиз иснод келтирди.

Бу ерда гап халқимиз шаънига доғ туширган, Ўзбекистонга ва унинг халқи манфаатларига хиёнат қилган Рафиқ Нишонов ва унинг ҳомийлари устида бораётир. Бу «зот» жумҳурият тепасида турган даврда халқимизга мислсиз моддий ва маънавий зарар етказилдики, улар ҳанузгача, афсуски, кўпчиликка маълум эмас.

Бизда ўтган ишга—саловат, деган нақл бор. Лекин, халқимиз Рафиқ Нишонов Фарғона, Бўка, Паркентда бўлиб ўтган нохуш ва қонли воқеалар учун, унинг Гдлян ва Ивановлар билан тил бириктириб, атайин ўйлаб топилган «ўзбеклар иши», «пахта иши» учун қонун олдида жавоб бериши талабини қўяётганлиги тасодифий ҳодиса эмас.

Босқинчилик, зўравонликка асосланган собиқ мафкуранинг мунофиқ тарғиботчилари оқни қора, хаёлига келган бебурд афсоналарни ҳақиқат деб билиб, Ўзбекистонни гўё мафия босиб кетган, эсини таниган боладан тортиб, то етмиш яшар қариягача ўғри, муттаҳам ва фирибгар, деб бутун дунёга жар солдилар.

Мана шундай ғайриқонуний, умуминсоний қадриятлардан нарида бўлган сиёсатни қарам жумҳуриятларда зўрлаб тарқатиш учун, яъни собиқ КПСС Марказий Комитети ўзининг ғаразли манфаатларини амалга ошириш, мамлакатда юзага келган ижтимоий масалалардан халқларни чалғитиш йўлида ҳар хил ҳийла-найрангларни ишга солганлиги ҳаммага маълум. Шу тариқа «ўзбеклар иши», «пахта иши» собиқ марказда ғаразли мақсадлар учун атайин ўйлаб топилган эди. Бу машъум ишда марказчиларга лаганбардор, иккиюзламачи, итоатгўй, шахсий манфаати йўлида ҳар қандай йўлдан қайтмайдиган раҳбар керак бўлиб қолган эди. Ана шундай одам ҳам бор эди. Бу шахс ўз вазифасини уддалай олмаганлиги ва аҳлоқий бузуқлиги учун мажбуран бошқа ишга ўтказилган, бир ёқлама устамон Рафиқ Нишонов бўлиб чиқди. У тез орада марказдаги юқори мартабали шахслар ҳомийлигида ва уларнинг бевосита иштирокида республика Ташқи ишлар министри этиб тайинланди.

Келинг, далил-исботларга мурожаат қилайлик. Собиқ КПСС Марказий Комитети ва СССР ҳукумати Ш. Рашидовнинг номини абадийлаштириш тўғрисидаги қарорини бекор қилишга оид ҳужжат олинганлиги муносабати билан 1986 йил июнь ойида вазирликлар, идоралар, раҳбарлар, аппарат ходимлари тўпланишди. Министрлар Советининг Раиси Ғ. Қодиров мазкур қарорни ўқиб эшиттирди. Сўнгра сўзга чиқувчилар борми, деб сўралганида залда ўтирган 700 га яқин киши ичида биргина шахс қўл кўтарди. Бу — Рафиқ Нишонов бўлиб, у шундай деган эди: «Шароф Рашидовчилик» фитначилик ва таҳқирликнинг, мунофиқлик ва товламачиликнинг, виждонсизлик ва порахўрлик, мақтанчоқликнинг, зўрлаб мукофот олишнинг синоними бўлиб қолди. Ш. Рашидовнинг иши билан сўзи бир-бирига тўғри келмасди. У одамнинг дилида нима борлигини билиб бўлмасди, унинг ўйи бошқа-ю, иши бошқа эди. (Наҳотки, йиғилиш иштирокчиларидан ҳеч ким Нишоновга эътироз билдириб, хўш Рашидовнинг дилини билмай туриб, унинг ўйи ва иши бошқа эканлигини қаёқдан била қолди, шунча вақт бирга ишлаб уни англай олмаган бўлса, демади. Ахир, бу фикр билан Нишонов ўзини ўзи инкор қилиб турибдику! Бу марҳум шаънига зўрма-зўраки балчиқ суришнинг ўзи-ку!). У маккор ва хавфли шахс бўлган эди». Рафиқ Нишонов сўзларини тўпланганларнинг бирортаси ҳам қўллаб-қувватламагани учун у бироз саросимага тушиб қолган эди.

ЎЗИНИНГ УЙДИРМА фикрлари ўтирганларнинг бирортасига ҳам маъқул тушмаганлиги, аксинча уларда изтироб ва ғазаб уйғонганлигини англаган Нишонов залдан чиқиб, кўздан ғойиб бўлди. Унинг ўша пайтда нимани назарда тутгани эндиликда кўпчиликка маълум. Республика раҳбарияти таркибини зудлик билан ўзгартириш, ўша даврда ишлаб турган мустақил фикр юритувчи етук кадрларнинг ҳаммасини алмаштириш ёки йўқотиш, халқ хўжалигини бошқариш тизимини ўзгартириш йўли билан Ўзбекистонда якка ҳокимликни қўлга киритишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган эди.

Тез орада Нишонов марказдаги ҳомийлари ёрдамида тузиб чиқилган шахсий манфаатига мос режаларига эриша бошлайди. Натижада 1986 йилнинг охирида Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси этиб сайланди. Республикада обрўсини йўқотган Нишоновнинг қайта тикланиши, унинг ана шундай олий лавозимга кўтарилиши марказнинг Ўзбекистонга нисбатдаги юриши ва «десантчилар» билан чамбарчас боғлиқлиги эндиликда кишини ҳайранлантиролмайди. Унинг 1988 йилдан бошлаб собиқ Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби бўлиб ишлаган давридаги бутун фаолияти, маърузалари, газеталарда босилган нутқлари, суҳбатлари асосан «Шароф Рашидовчилик», «пахта иши», қўшиб ёзишлар, кадрларни алмаштириш билан боғлиқ бўлган. Халқнинг оғир аҳволи, заҳматкаш деҳқоннинг косасини оқартиш масалалари уни мутлақо қизиқтирмаган.

Йигирма миллион кишининг тақдири шахсий фикрга эга бўлмаган, бошқарувда лаёқатсиз, беприципп, мунофиқона иш юритадиган «сиёсий» раҳбар — Нишонов қўлига бериб қўйилганди. Анишчев, Огарок, Берков, Сатин, Романовский, Нестеренко, Бутурлин, Усатов, Дидоренко, Гайданов, Литвиненко, Клепиков, Саликов, Гдлян, Ивановлар республикада қандай қора ишларни амалга оширган бўлса, уларнинг бирортаси ҳам Нишоновнинг бевосита раҳбарлигисиз ёки амалий ёрдамисиз бажарилмаган. Зеро, Рафиқ Нишонов Ўзбекистонни бутун дунёга шармандаю-шармисор қилган ана шу «десантчилар»нинг шериги эдида.

Бу ҳақда унинг ўзи «Аргументи и факти» газетаси мухбири саволларига берган жавобида (1988 йил сентябрь. №38) фахрланиб гапирган ва иқрор бўлганди. Мана, унинг мағрурона сўзлари: «...Республикада жамият ҳаётининг барча жабҳаларини соғломлаштириш учун турғунлик даври меросига қарши қаттиқ, оғир кураш кетмоқда. КПСС Марказий Комитети кейинги тўрт йилда Ўзбекистонга юзлаб тажрибали кадрларни юборди... Аввало республикага шундай кўламли ёрдам кейинги 30 йил мобайнида биринчи марта амалга оширилганини таъкидламоқчиман. Янги ходимларнинг келиши бизнинг чинакам бахтимиз бўлди... Республикада сўнгги тўрт йил ичида 58 минг масъул ходим вазифасидан бўшатилди. Мен ўзим шахсан Тельман Хоренович Гдлян группасининг ишини ғоятда ижобий баҳолайман. Биз СССР Прокуратурасининг ходимлари билан қўлни-қўлга бериб иш олиб бормоқдамиз. Улар республикада адолат ўрнатиш, Рашидов атрофидаги яқин одамларни жавобгарликка тортишда жон қуйдириб ишламоқдалар. Кескин кураш кетмоқда. Шуни рўй-рост айтишим керакки, Гдлян гуруҳи республика партия органлари томонидан қаттиқ қўллаб-қувватланмаганида ва ҳар томонлама ёрдам кўрсатилмаганида эди, улар бу қадар самарали ишлай олмасдилар, албатта...»

Нишонов кўкларга кўтариб мақтаган ва ишонган марказчилар кимлар ва улар қандай кароматлар кўрсатгани, жумҳуриятни жар ёқасига олиб бориб қўйганини бугун бутун дунё билади. Огарок Ўзбекистон Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари лавозимини эгаллаши биланоқ Россия, Украина, Белоруссиядан ўзининг таниш-билишлари, ошна-оғайниларини Ўзбекистонга мартабали вазифаларга бирин-кетин чақиргандан биринчи котиб хабардор эди. Катта республиканинг катта министри бўлиб олган Литвиненко савдода тартиб ўрнатиш ўрнига енгил машиналар, қимматбаҳо буюмларни ўзича тақсимлаш билан шуғулланганини ва кўп ўтмай, яъни саккиз ойдан кейин халқ мулкини талон-торож қилгани ва хизмат вазифасини суиистеъмол этгани учун у ишдан ҳайдалганини наҳотки Нишонов билмаган бўлса?! Республика тепасига чиқиб олган Анишчев ёрдамида юқори лавозимларни эгаллаган Романовский, Клепиков, Малолетов, Баруллин, Балала, Бутурлин каби шахслар имон-эътиқоди тоза эмаслиги, улар бойлик орттиришга, нима қилиб бўлсада обрў-эътибор қозонишга зўр берганликлари, маиший бузуқликка йўл қўйганликларини билмаган бўлса! Бу ерда биргина ҳодиса — Нишонов бошлиқ Анишчев, Огарок, Берков, Саликов, Бутурлин, Усатов, Гайданов, Дидоренко, Романовский, Нестеренко, Сатинлар республикани идора қилиб турган даврда содир бўлган Фарғона, Қўқон, Бўка, Паркент воқеаларини эслатиб ўтишнинг ўзи кифоя. Ўша кезда Нишоновнинг катта-кичик минбарларда туриб, асоссиз керилишига нима сабаб бўлгани унинг виждонига ҳавола.

РЕСПУБЛИКА ПАРТИЯ ташкилотининг собиқ биринчи котиби учун ўша "даврда «шон-шараф, бахт» нималарни ифоратда бўлганини унинг ўзи эътироф этганини мана энди ҳамма кўриб турибди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети қўллаб-қувватламаганида ва ҳар томонлама ёрдам берилмаганида, Анишчев, Огарок, Гайданов, Дидоренколар, Гдлян одамлари бу қадар «самарали» ишлай олмаслигини Нишоновнинг ким олиши ҳам жумҳуриятнинг ҳалқи олдида ўз-ўзига ўқилган ҳукм эмасми? Афтидан, Нишонов шундай ёруғ кунлар келишини, вазиятнинг ижобий томонга юз тутиши ва ниҳоят, адолат қарор топишига ишонмай қолганлиги ва ҳаётдаги ҳаёлларини ҳеч ким ҳеч қачон ошкор қилмаганлиги ҳаммамизга маълум.

Эндиликда бу аччиқ ҳақиқат муносиб баҳоланиши келгиндиларнинг шу қадар ҳаддидан ошиб кетгани ва уларнинг бебошликлари, «қўлни-қўлга бериб ишлаганлар» билан тергов органлари шуғулланиши шарт, деган қонуний талаблар қўйилмоқда.

Дарвоқе, ўзбек халқининг миллий ғурурини оёқ ости қилиш, республиканинг ҳамиша алданиб келганини англай бошлаган миллий кадрларга зимдан зарба бериш йўли билан путури кетаётган марказ обрўсини тиклаш, чириб бораётган мустамлакачилик умрини узайтиришга қаратилган «ўзбеклар иши», «пахта иши»да Р. Нишоновнинг фаол иштирок қилганлиги ачинарли ва кечириб бўлмайдиган ҳодисадир.

Ўша даврда зўравонлик оқибатида республикадаги маънавий-сиёсий ҳаётга катта зарар етказилди. Ашаддий қонунсизлик, тенгсизлик юз берди. Бухоро, Қашқадарё, Сурхондарё, Хоразм, Тошкент вилоятларида, Қорақалпоғистонда ҳақиқатан ҳам фожиа юз берган эди. Мана шу вилоятларнинг ҳамма колхоз ва совхозларида, пахта пунктлари ва пахта тозалаш корхоналарида, вилоят идоралари ва ташкилотларида ёппасига тафтиш-тинтув ишлари олиб борилган, неча ўнлаб, юзлаб мутахассислар юқоридан келган, аниқроғи, КПСС Марказий Комитети кўрсатмасига мувофиқ Ўзбекистон партия Марказий Комитетига юборилган текширувчиларга малайлик қилиш билан банд бўлган. Бундай топшириқни бажаришга асосан Марказдан келган мартабали шахслар, гдлянчилар ва Нишоновнинг шахсий кўрсатмасини бажараётган маҳаллий партия ва маъмурий органларнинг ходимлари жалб этилганди. Бунинг оқибатида одамларнинг бутун фикри-хаёлини эртанги кун ташвиши чулғаб олган ва шу тариқа кўпчиликни ваҳима босган эди.

Бухоро вилоятидан бир вақтнинг ўзида район партия комитети котибларининг ҳаммаси, район ижроия комитети раисларининг 70 фоизи, вилоят колхоз ва совхоз раҳбарларининг 50 фоизга яқини қамалганди. Олот районида 11 хўжалик бўлиб, бу хўжалик раҳбарларининг ҳаммаси ҳибсга олинди. Текширишда мана шу раҳбарлар жуда қашшоқ яшаётгани, уйларида атиги бир бош сигири бўлганлиги, уларда шолчадан бошқа ҳеч вақо йўқлиги маълум бўлди. Хўлу-қуруқ баравар ёнган бир пайтда жумҳуриятнинг собиқ раҳбари Р. Нишонов: «58 минг масъул ходим вазифасидан бўшатилди.», деб мақтанган эди. Ўша кунларда асоссиз хўрланишларга дош бера олмай, ҳаётдан кўз юмганлар ҳам оз эмасди.

Лекин, ўша йилларда кўпчилик эртами-кечми шундай кун келишига, адолат қарор топишига ишонганди. Халқимиз содир бўлган воқеалар сабабларини аниқлаб, саволларга рўй-рост жавоб берилишини талаб этган эди. Асоссиз айбномалар, фашистларча тергов усуллари, адолатсиз ҳукмлардан азоб чеккан минглаб кишилар юқори совет ва ҳуқуқни ҳимоя қилиш органларига арз-шикоят билан мурожаат этдилар. Ўнлаб, юзлаб кишилар, қанчадан-қанча қишлоқ аҳллари Тошкентга бетўхтов қатнадилар. Қизил империя маркази Москва йўлида сарсон-саргардон бўлишди. Тергов уқубатларидан азоб чеккан, туҳмат балосига учраган мансабдор шахслар, оддий кишилар мартабали партия идоралари олдида ойлаб адолат истаб, интизор бўлдилар.

Мана шундай халқ тақдири поймол этилган, унинг қадр-қиммати оёқ ости қилинган 198. —1989 йилларда адолатни юзага чиқариш, жабр-зулм чекканларга мадад бериш ўрнига Нишонов каби раҳбарлар ҳомийлигида халқимиз бошига шу қадар кўп бўҳтонлар ёғдирилдики, етмиш йил ичида ҳеч бир жумҳуриятга нисбатан бундай қилинмаган эди. Бу ерда гап собиқ Марказий ахборот воситаларининг республикага қилган мафкуравий хуружи устида боратётир.

Дарҳақиқат, Нишонов собиқ республика партия ташкилотига раҳбарликни ўз қўлига олгандан сўнг Марказий газеталар, журналлар, телевидениеда деярли ҳар куни Ўзбекистонни бадном қилувчи мақолалар чоп этилди. Бу қора ишда собиқ КПСС Марказий Комитетининг бош нашри бўлган «Правда» газетаси раҳнамолик қилган. Унда республиканинг собиқ раҳбарияти Н. Худойбердиев, Е. Айтмуротов, Т. Осетров, ва бошқалар тўғрисида кетма-кет шармандали чиқишлар уюштирилди.

Марказий ахборот воситалари, хусусан «Правда» ҳибсга олинганларнинг қариндош-уруғларига нисбатан жабр-зулмни ижобий баҳолаб, гдлянчиларни мақтаб ёзган ва нуқул ифодан иборат мақолалари ўша пайтнинг ўзидаёқ халқнинг ғазабини қўзғатган эди. Эндиликда бу ифволар, раҳбар ходимлар ҳақида қораловчи материаллар Нишоновнинг бевосита кўрсатмаси асосида ташкил этилганига ҳеч кимда шубҳа қолмади. Зотан, Нишонов 1988 йилда республика Олий Советининг сессияларида, Марказий Комитет бюроларида ўзига ёқмаган масъул ходимлар тўғрисида маърузалар қилган, уларни ишдан четлатиш ҳақида таклифлар киритган ва кейинчалик ана шу бахти қаро шахслар ҳақида матбуотда танқидий мақолалар бердиритириб, атайин шармандa қилдирган.

КЕЗИ КЕЛГАНДА шуни айтиш лозимки, «Правда» орқали ўша даврда ўзбек халқи шаънига отилган туҳмат тошлари аввало, Нишонов бошлиқ партия Марказий Комитетида тўпланганлиги ва бу ерда «бўҳтонлар сценарийси» ёзилганлигини исботловчи далиллар кўп. Жумладан, «Кўз ойнакли илон тагидаги олтин», «Ўзбошимчалик», «Колонна», «Тасодифий президент», «Хўп, хўп сероб, иш эса,...», «Лавозимига қараб имтиёз» каби «Правда»да чоп этилган уйдирмаларнинг ҳаммаси тазйиқ билан «Правда Востока» ва «Совет Ўзбекистони» газеталарида кўчириб босилиб, республикага тарқатилган ва бу нарса Марказий Комитетнинг биринчи котиби рухсати билан шундай қилинганлигига ҳеч ким, ҳеч қачон шубҳа қилмаган.

Жамиятнинг олий қонун чиқарувчи, юқори ижрочи ва фармойиш, олий суд органларини ўзида мужассамлаштирган партия Марказий Комитетининг биринчи котибидек юқорилавозимни эгаллагандан кейин Нишонов ҳеч кимни назар-писанд қилмай қўйган, асосан Марказ кўрсатмаларини бажарган, нуфузли минбардан туриб «шунча масъул ходимни ишдан олдик, шунчасини қамадик», деб мақтанчоқлик қиларди.

Нишонов биринчи котиб бўлиб олгандан сўнг кўп ўтмай, яъни 1988 йил 30 январдаги Марказком Пленумида ҳеч қандай далил-исботсиз шундай деган эди: «...1978-1983 йилларда республикада 4,5 миллион тонна пахта қўшиб ёзилган, унинг ҳисобига давлат ҳазинасидан 4 миллиард сўм ўғирлаб олинган. Бу йирик талон-тарож ва қонунсизлик учун манба бўлиб хизмат қилган. Ана шу манбадан «тилла устидаги илонлар» каби ўта фирибгар жиноятчилар фойдаланганки, бу ҳақда яқинда газеталар ҳаққоний равишда ёзган эдилар...».

Бугун терговчилар томонидан мусодара этилган пул маблағлари, моддий бойликларнинг келиб чиқиш манбалари мутлақо тасдиқланмаганлигини била туриб, воқеалар сохталаштирилганлиги учун, ўша ўзи айтган тўрт миллиард сўмнинг қанчаси талон-торож қилинганлиги ва ўзлаштирилганлиги ўз тасдиғини топмагани учун Нишонов суд олдида жавоб беришга лойиқ эмасми? Ахир, гап миллионлар эмас, миллиардлар устида бораётган иш!

Саркотиб маърузасида асосан ўзига мақбул бўлмаган раҳбар ходимлар, министрликлар, идоралар ва ташкилот раҳбарларини танқид қилиш, тирноқ остидан кир қидиришдан нарига ўтмаган. Нишонов қўшиб ёзиш фақат Ўзбекистонда содир бўлмаганини, бу тузумга тегган ва бизга Марказдан юққан касал эканини яхши билса-да, аммо ҳақиқатни ҳеч қачон ошкор қилмай, фақат ғаразли гапларни тарқатишни ўзига одат қилиб олганди. Яхшидан от қолади, ёмондан дод қолади, дейишади. Холисанилилло айтсак, Нишоновнинг республикада бирон бир хайрли ишни амалга оширганини, халқи учун бунёдкорлик қилганини ҳеч ким эслай олмайди.

Кузатишлар шуни кўрсатдики, Рафиқ Нишонов ҳокимият тепасида турган даврда республикада оммавий суратда кадрлар ишдан ҳайдалган, юзлаб ва минглаб бегуноҳ кишилар Москва, Сибирь қамоқхоналарига тиқиб қўйилгани бор гап. 1988 йилнинг ўзида Нишонов имзоси билан тузилган рўйхат асосида Республиканинг собиқ раҳбарияти — республика Министрлар Советининг Раиси Н. Ж. Худойбердиев, Ўзбекистон ССР Олий Совети Раёсатининг Раиси О. У. Салимов, Фарғона вилоят партия комитетининг биринчи котиби Ҳ. Умаров ва бошқа юзлаб қалол масъул ходимлар партиядан ўчирилиб, қамоқ жазосига ҳукм этилган. Бугунги кунда адолат тантана қилиб, уларнинг ҳаммаси озодликка чиқарилганлиги ва аксарияти оқланганлигини ҳаммамиз биламиз.

Нишонов жумҳуриятни бошқарган кезда ўзбошимчалик, қонунсизлик шу қадар кучайиб кетган эдики, Марказий Комитетнинг навбатдаги бюроси тугаши биланоқ, гдлянчилар гуруҳи депутатлик дахлсизлигини қўпол равишда бузиб вилоят партия комитетларининг биринчи котиблари И. Жабборов, Н. Ражабов ҳамда О. У. Салимовнинг қўлига кишан солишган. Бу масъул ходимларни қамоққа олиш тўғрисидаги Олий Совет Президиумининг тегишли қарорлари олдинги саналар билан ғайриқонуний, сохта расмийлаштириб қўйилганди.

1988 йилда Нишонов кўрсатмасига мувофиқ В. Огарок раҳбарлигида ишлаб чиқилган халқ хўжалигини бошқаришнинг «бош схемаси» туфайли республикага етказилган миллион-миллион иқтисодий зарар тўғрисида кези келганда айтиб ўтиш лозим. Ўша йилнинг бошида Нишонов «бош схема» деб аталмиш қиёмига етмаган ҳужжатга имзо чеккан ва уни тасдиқлаш учун Москвага жўнатган. Бу ясама режа ҳеч қандай илмий ва амалий негизга асосланмагандлиги боис Сирдарё ва Жиззах вилоятлари қўшиб юборилди. Навоий вилояти ва йигирма район, бир неча моддий бойликлар ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи министрликлар ва идоралар тугатилди. Шу тариқа халқ хўжалигини бошқаришнинг асосий мезонлари — моддий ишлаб чиқаришга раҳбарлик ва уни бошқариш республика ихтиёридан олиниб, собиқ Иттифоқ органларига бериб қўйилди. Бундан ташқари Фарғона водийсидаги вилоятлар тугатилиб, битта вилоятга бирлаштирилиши, Бухоро ва Қашқадарё вилоятлари ҳам қўшилиши режалаштирилганди. Ҳозир ўша тугатилган вилоятлар ва районлар қайта тикланди. Ана шу машъум мўлжалда назарда тутилган ғайриқонуний ва зарарли тадбирларнинг ҳаммаси амалга оширилган тақдирда бизда келгусида кутилмаган фавқулодда ҳодисалар юз беришини республикадаги соғлом кучлар ўз вақтида англашиб ва унинг олдини олишга муваффақ бўлганини алоҳида таъкидлаш даркор. Аммо, халқ хўжалигига етказилган жуда катта моддий зарар учун ҳанузгача, ҳеч ким, ҳеч қандай жавобгарликка тортилмаганлиги тоқат қилиб бўлмайдиган ҳодисадир.

МИЛЛИЙ РУҲИЯТИМИЗГА зарба бериш, асрлар бўйи иноқ бўлиб яшаб келган Ўрта Осиё халқлари ўртасида нифоқ чиқаришга қаратилган пинҳоний ва ошкора хатти-ҳаракатларга ўз вақтида зарба берилмади. Нишонов фожиали Фарғона воқеаси бор-йўғи «бозордаги қулупнай ғалваси»дан келиб чиққан, деб бутун дунёни ишонтиришга уринди. «Известия» газетасига берган интервьюсида Абу Али ибн Сино Осиё халқларининг буюк сиймоси эмас, балки фақат тожик миллатига мансуб, деб сохта гап тарқатди. Бу «зот» собиқ Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Мафкура бўйича котиби бўлиб ишлаган даврда зиёлиларнинг бемалол, эмин-эркин нафас олишига имкон бермасликка ҳаракат қилган. Чунончи, Нишонов Чўлпонни тирилтиришга, Бобур номини тиклашга уринаётган зиёлилар «мафкуравий қўпориш» қилмоқдалар деб, адолатни қарор топтириш йўлига киришаётган маданият ва санъат арбобларини ҳукмрон сиёсат доирасида «тартибга чақирган» ва уларни таҳлика остига олган эди. Амир Темурнинг буюклигини тан олиб, унинг номини рўёбга чиқармоқчи бўлган Ш. Рашидовга қарши узоқ вақт кураш олиб борганман, деб «Союз» газетасининг 1990 йил 1 январь сонида босилган суҳбатида айтиб ўтган эди.

Нишоновнинг маънавий қиёфаси ҳақида фарғоналик депутатлар ҳам бир вақтлар эслатиб ўтишганди. Лекин бу «зот»нинг 60-йиллар охирида партия Марказий Комитетининг мафкуравий котиби бўлиб ишлаб турганда бузуқ маънавий ҳаёти, ўлим тўшагида ётган турмуш ўртоғи кўз ўнгида ўзганинг хушкомат ва гўзал хотини билан очиқдан-очиқ маишат қилганини, ана шу аёлнинг эри бўлмиш милиция полковниги аламга чидай олмай ўлиб кетганини кўпчилик, айниқса ёшлар билишмайди, албатта. Шароф Рашидов партия Марказий Комитетининг обрўйини тўкмаслик, ўлиб кетган хотининнинг қариндошуруғлари ғазабидан асраш мақсадида Нишоновни хорижий мамлакатларга дипломатия ишига жўнатиб юборган эди. Ўша кезда ҳам Рафиқ Нишонов «қийин вазиятдан» устомонлик билан чиқиб кетишга ўлгурди. Шубҳасизки, бу шахс яхшиликка ҳам мунофиқона жавоб қилганига бугун гувоҳ бўлиб турибмиз.

1989 йилнинг биринчи ярмидаёқ халқ депутатлари, соф виждонли кишилар, республиканинг соғлом кучлари Гдлян одамларининг ғайриқонуний кирдикорлари, энг содда ҳалол шахсларни лақиллатишларига чек қўйиш, уларнинг ўзларини жавобгарликка тортиш тўғрисида ҳақли талаблар қўя бошладилар. Энди Гдлян тўқиб чиқарган афсоналарнинг миси чиқиб, у «ўзбеклар иши»ни тергов қилишдан 1989 йил май ойида умуман четлаштирилган эди. Бу ҳол Нишоновни қаттиқ ташвишга солиб қўйди. Охир-оқибатда ўз қилмишлари ошкор бўлишини у аниқ сеза бошлаганди. Кўп ўтмай, яна Москвадаги ҳомийлари мадади билан собиқ СССР Олий Совети Миллатлар палатасига раис бўлиб олди. Ана шундан сўнг ҳам Нишонов ғаразли мақсадларидан тоймади. Партия ва Олий Кенгашда катта имкониятларга эга бўла туриб, ундан фойдаланмай, ўз халқи, ноҳақ хўрланган минглаб маҳаллий кадрлар манфаатини ҳимоя қилишдан бош тортди. Кўп бор биз уни нуфузли йиғилиш раёсатларида қотиб, бамисоли ҳайкал сингари ўтирганига гувоҳ бўлардигу, аммо ўз халқи учун жон куйдириб сўзлаганини эслай олмаймиз.

БУГУНГИ КУНДА ўзбек халқи Рафиқ Нишоновнинг гўё қулоғи кар, кўзи кўр бўлиб қолганидан ҳайратга тушишмоқда. Ахир, уни эъзозлаган халқ бошига тушган кулфатлар бевосита унинг иштирокида рўй бергандику! Қанчадан-қанча ўз ишини пухта биладиган, келажак учун жон куйдираётган масъул ходимларнинг ҳибсга олиниши ва уларнинг асоссиз туҳмат билан таҳқирланиши, оила аъзолари, қариндош-уруғлари бекордан-бекор тазйиққа учрашини унутиб бўладими? Икки бор Гдлян бошлиқ гуруҳнинг Ўзбекистондаги ёвуз хатти-ҳаракати Олий Кенгашда муҳокама этилган чоғда ва собиқ Иттифоқ бош прокурори ҳамда собиқ КГБ раҳбарлари «ўзбеклар иши», «пахта иши» тўқиб чиқарилган эди, деб тан олиб туришганда ҳам Нишонов лом-мим демади. Бамисоли, бу юмушларга унинг даули йўқдек, бепарво турди. Наҳотки, бундан унинг виждони қийналмаётган бўлса? Ахир, унда заррача имон ва эътиқод бўлганда ўз халқига қалқон бўлиб, бутун ғаниларнинг кирдикорларини очиб ташламасмиди?! Қотил ва бадбахт Гдлян билан ўрталаридаги самимий муносабатни бузишга иродаси бўшлик қилганини қандай баҳолаш мумкин? Билмадик, у бу хатти-ҳаракати билан яна қандай ғаразли мақсадларни назарда тутди. Наҳотки, у айрим нопок шахслар каби қулай онлар келишини, замона яна бир айланиб, уларнинг хоҳиш-истаклари рўёбга чиқадиган дорулом фурсат намоён бўлишини интизорлик билан кутаётган бўлса?

Афсуски, Нишонов юксак мансабларни эгаллаган чоғида ҳам, шунингдек ҳозирда нафақа пули олиб, қарилик гаштини сураётган бир пайтда ҳам ғаламислик қилишни давом эттирмоқда. Ўзбекистоннинг мустақиллик йўлида ташлаётган дадил қадамларини, бу ерда юз бераётган ижобий ўзгаришларни рақиблик нуқтаи назаридан баҳолашга уриниб, бизнинг танлаган йўлимиз маъқул тушмаётгани боис ҳар хил сиёсий кучларга, ташқарида ва ичкаридан олиб борилаётган мафкуравий қўпоришларга раҳнамолик қилиб турибди.

«Аргументи и факти» газетасининг шу йил 15 апрель сонидаги «Тошкент «нон» шаҳри бўладими», «Известия»нинг 24-25 июнь сонларида эълон қилинган «Москвасиз Ўрта Осиё», «Комсомольская правда»нинг 11 июль сонида босилган «Каримов инсон ҳуқуқлари учун Москва ва Бокуда кураш олиб бораяпти», «...оппозиция эса инсон ҳуқуқларини Тошкентда қўлга киритиш учун курашмоқда» деган ғаразли ва ўта бўҳтонли мақолалар, БМТ аъзоси бўлган мустақил давлатнинг ички ишларига аралашиш, унинг мавжуд сиёсий тузумига путур етказишга қаратилганн шундан даполат бериб турибди.

Бугуни кунда Нишонов ва унинг маслакдошлари томонидан «ўзбеклар иши», «пахта иши» деб аталмиш «дастурий ўзгаришлар қўлланмаси» оқибатида Ўзбекистон республикасига, унинг халқига катта маънавий ва моддий зарар етказилганини ҳеч ким ва ҳеч қачон инкор эта олмайди. Нишонов ва унинг марказдан ташриф буюрган сафдошлари Гдлян, Иванов ҳамда уларнинг фаол ҳомийлари Ўзбекистон Конституциясига биноан Республикага чақирилиши ва улар қонун олдида жавоб беришга мажбурдирлар. Чунки, улар содир қилган оғир жиноятлар республика ҳудудида рўй берганлиги ҳаммага маълум.

Шундай қилиб, жумҳуриятда энг юқори лавозимни эгаллаб турган Нишоновнинг умри қисқа мартабаси кўп ўтмай инқирозга юз тутишининг айрим сабаблари шулардан иборат. Кўриб турибмизки, Нишонов ҳукмронлик қилган салкам икки йиллик даврда Ўзбекистон тарихида мудҳиш из қолдирди.

ХАЛҚ ТАҚДИРИ билан ўйнашиб бўлмайди. Ўз элини ҳурмат қилмаган, унга тош отишни ўзига эп кўрган шахснинг бири ҳеч қачон икки бўлмаган. Рафиқ Нишонов шу халқнинг фарзанди бўла туриб, унга ёмон кўз билан нигоҳ ташлаши ҳеч ақлга тўғри келмайдиган ҳақиқатдир. Ўз юртидан анча олисда туриб, уни тарбиялаб вояга етказган, ақл-идрокини пешлаган, тилини бурро қилган, юқори минбарларни бериб қўйган халқини тан олмай, унинг равнақига тўсқинлик қилиш ўта бемаънилик эмасми? Биз ҳақ гапнинг қадрига етишни яхши биламиз. Имонимиз комилки, республикамиздаги соғлом ва бақувват кучлар ҳар қандай ғаниилик ҳаракатларига зарба беришга қодир. Ўз навбатида Рафиқ Нишонов ҳам ана шу Ўзбекистоннинг истиқлоли учун жонини жабборга бераётган бағрикенг инсонлар сафида бўлишини умид қилгандик. Афсуски, умидларимиз пуч бўлиб чиқди. Ҳали қам кеч эмас. Халқимиз азалдан кечиримли халқ.

Бироқ Рафиқ Нишонов ва унинг пиҳжига тиқилган ҳомийлар поклениш учун ўзларида жасорат топа олармиканлар?

**Нажим ҲАМРОЕВ,**
Ўзбекистон Қишлоқ хўжалик фанлари академиясининг академиги, Меҳнат қаҳрамони,

**Бектош РАҲИМОВ,**
Ўзбекистон Фанлар академияси сув муаммолари институти директорининг муовини, Улуғ Ватан уруши қатнашчиси, Меҳнат Қаҳрамони,

**Отажурод МУҲАММАДИЕВ,**
республикада хизмат кўрсатган юрист, истеъфодаги генерал-майор.

«Ўзбекистон овози» 1992 йил, 22 июль.

## «СОДИҚ ДЎСТЛАР» УЧРАШГАНДА...

«Яна юз минг ўзбекнинг қўлига кишан уриб бермасам, Нишонов отимни бошқа қўйман!..» — дейди табассум билан бизнинг собиқ раҳбар. Жаллод Гдлян (ўртада)нинг эса қон ҳидидан кўзлари ёнади.

Бизнинг давримизда «содиқ дўстлар» нафақат қоронғуда, балки кунпа-кундуз куни ҳам топишмоғи мумкин экан...

(«Известия, 1990 йил 11 сентябрь сонидан. Ю. Нияхин сурати).

## ЧЕТ ЭЛ ХАБАРЛАРИ

● ЖЕНЕВАДАН хабар беришларича, Америка Қўшма Штатлари бутун дунёда кимёвий қуролни таъқиқлаш тўғрисида ишлаб чиқилган конвенция қондалари билан бирдам эканлигини изҳор этди. Маълумки, 24 йилдан буён оммавий қирғин қуролларидан бири ҳисобланган — кимёвий қуролни таъқиқлаш тўғрисида музокаралар олиб борилмоқда. Женевада 39 мамлакат қатнашаётган қуролсизланиш бўйича ўтказилаётган конференцияда иштирок этган АҚШ элчиси Стивен Ледогар «Бизнинг қарор қабул қилишимиз анча қийин бўлди», деб айтди. Элчи кимёвий қуролни таъқиқлаш тўғрисидаги конвенция қондаларига қўшилиш биз томонимиздан маълум даражада ён босиш бўлса ҳам, барибир, агар бу қурол мутлақо ва абадий йўқ қилингудек бўлса, биз бундай фикрга қўшиламиз, деб таъкидлади.

● АМЕРИКА Қўшма Штатлари иммиграция ва натурализация хизмати эълон қилган маълумотларга қараганда, ўтган йили собиқ Совет Иттифоқи жумҳуриятларидан АҚШга 57 минг

# ҚУТЛУҒ—ПОЁНЛИҒ БЎЛСИН

...БУ БОҒ, бу узумзор кўп кишиларни кўрган. Бу азим тут дарахтлар остида не-не табаррук отахонлар, онахонлар суҳбат қурмаган дейсиз... Аммо кейинги йилларда жамоа хўжалиги узумзори деб ном чиқарган жойнинг тутури кетди. Юзлаб, минглаб тут узумлар, серҳосил ўрмгу шафтолилар қаровсиз ҳолга келди. Бунга сабаб излаганлар саволи жавобсиз қолаверди.

Кўпчилик дилида ранжиса ҳам ҳамма иш моддий маблағга келиб тақалганлиги боис гапларини, режаларини очиқ-равшан айта олмас эди. Яна бирон йил иш шу зайлда кетгудек бўлса бўлдан айрилиш ҳам мумкиндай туюлди кўпчиликка...

Бироқ, бу ердан тез-тез ўтиб турадиган вилоят ички ишлар ходимларининг боққа чинакам жонлари ачиб бошлади. Ўзбекистон Жумҳуриятн Ички ишлар ҳузуридаги товар ва моддий бойликларни олиб чиқиб кетишни назорат қилувчи Тошкент вилоятн давлат инспекцияси раҳбари Абдуллажон Убайдуллаев дилига тугиб юрган ниятини амалга ошириш учун астойдил саъи-ҳаракат кўрсата бошлади. У қатор хонадонларга кириб чиқди, жамоа хўжалиги отахонлари билан кенгашди, баъзи бир ташкилот ва муассаса раҳбарларига мурожаат қилди. Унинг асосий мақсади — жамоа хўжалиги узумзорини оталиққа олиб, уни қайтадан таъмирлаш ва янги бинолар қуриш эди.

Орадан қисқа вақт ўтди. Узумзордан юзлаб автомашиналарда ахлатлар ташқарига олиб чиқиб ташланди. Янги-янги узум кўчатлари, ўрик, шафтоли, анор, бодом ниҳоллари, жуда кўп гул навлари олиб келиб ўтқазилди. Қарабсизки, боғ ўзгача чирой кашф этди, бу ерга келган отахонлар назорат инспекцияси ходимларини чин кўнгилдан дуо қила бошладилар.

Куни кеча вилоят давлат инспекцияси ходимлари узумзорни таъмирлаш ишлари ниҳоясига етказилганлиги муносабати билан ота-боболаримиз удумига биноан дастурхон ёзиб, қишлоқ аҳли, узоқ-яқиндаги ҳешу-акраболарни таклиф этиб, дастурхон ёздилар. Жамоа хўжалигига раҳбарлик қилган Туроб ота Нормухамедов, Меҳмонхўжа ота Рашидов каби табаррук кишилар номларн хотирланди. Бир пиёла чой устидаги суҳбатлар кечгача давом этди.

У. РАҲИМОВ.

СУРАТДА: жамоа хўжалиги узумзорини ўзлаштириш ва бинолар қурилишида жонбозлик кўрсатган назорат инспекцияси ходимларидан бир гуруҳи.

Д. АҲМАД олган сурат.

# ХАЛҚ ДОНИШМАНДЛАРИ СОЛНОМАСИ

ЎТМИШ донишмандлиги ва кўп асрлик яхши тарбиявий анъаналарни ўзида мужассамлаштирган ўзбек халқ педагогикаси бебаҳо маърифий мерос сифатида эъзоз топиб келмоқда. Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий-тадқиқот институти ана шу кўҳна таълимий жараённи атрофлича ўрганиб, уни қайта тиклаш йўриқномасини ишлаб чиқди. Лойиҳа ҳужжати сифатида тайёрланган бу йўриқномани умумхалқ муҳокамасига қўйиш мақсадида яқинда матбуотда ёритилди. Йўриқномада халқ педагогикаси ва унинг ўзига хос хусусиятлари, бу мероснинг мутафаккир адиблар ижодида акс эттирилиши каби муҳим масалалар қўрсатиб берилди.

Мазкур таълимий ҳужжат донишманд ўтмишдошларимиз, маърифатпарвар зиёлиларимиз бошлаб берган умрибоқий анъаналарни ривожлантиришда муҳим восита бўлиб хизмат қилади.

# ХАЛҚАРО АНЖУМАН ТАРАДДУДИ

АЭРОКОСМИК мактабнинг фаолият доираси кенгайиб кетди. Унинг халқаро алоқалари ҳам тобора мустаҳкамланиб бормоқда.

Яқин келгусида бу борада қандай ўзгаришлар юз беради? Шу масалани атрофлича кўриб чиқиш мақсадида Тошкентда Аэрокосмик мактабнинг халқаро анжуманини ўтказиш режалаштирилди. Бу нуфузли йиғинга хорижий давлатлардан, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги республикаларидан кўплаб вакиллар таклиф қилинади.

Улуғбек номли истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш Ўзбекистон Республикаси жамғармаси бу ҳайрли ишга яқиндан бош қўшмоқда. Жамғарма ўзининг яқинда бўлиб ўтган навбатдаги йиғилиши кун тартибига ушбу масалани киритиб, халқаро анжуманни ўтказиш билан боғлиқ қатор тадбирларни белгилаб олди.

Шунингдек, жамғарманинг халқаро алоқаларини кенгайтиришга қаратилган режалар ҳам кўриб чиқилди.

А. АЛИЕВ.

# «ЭГИЗАКЛАР»ДА ЭГИЗАКЛАР ҚАТНАШАДИЛАР

ИСТЕЪДОДЛИ санъаткор Юсуф Розиқов постановкачи режиссёр сифатида киномуҳлисларига танилиб бормоқда. Ғайратли ижодкор ҳозир навбатдаги янги қувноқ фильми устида қизғин иш олиб бормоқда. У «Эгизаклар» деб номланди. Экранлаштирилаётган бу фильм сценарийсини режиссёрнинг ўзи ёзди.

Фильм орқали томошабин жумҳуриятимизда номлари яхши таниш бўлиб қолган қизиқчи санъаткорлар билан ҳам учрашади. Ака-ука Обид ва Собит Асомовлар томонидан ижро этилаётган роллар завқ билан томоша қилинади, албатта.

Янги фильмдаги образларни яратиш учун қатор умидли ёш актёрлар ҳам таклиф қилинди.

С. ОДИЛОВА.

Муҳаррир ўринбосари Р. УМАРОВ.

ҲОФИЗ ШЕРОЗИЙ ТАВАЛЛУДИНИНГ 670 ЙИЛЛИГИ ВА ХУРШИД ТОШКАНДИЙ ТАВАЛЛУДИНИНГ 100 ЙИЛЛИГИГА

# „МЕН ШАМДЕК... ЖОН ФИДО ҚИЛАЙ...“

ҲОФИЗ ШЕРОЗИЙ!.. У қил қалам соҳиби, фалсафий мушоҳадалар билан тўлиб-тошган лирик шеърлар, инсон кўнглини ром этувчи фусункор ғазаллар муаллифи. Мана, олти асрдан зиёд вақт ўтмоқдаки, унинг назмиёт манқалининг қўридан неча-неча авлодлар баҳраманд бўлиб келмоқда. Буюк шоирнинг жўшқин мисраларидан инсоният қалб тўғёни, севишганларнинг дил кечинмалари, руҳий исёни, муҳаббатнинг нашъасию аламлари, илму фозилликка даъват, ҳақиқатнинг кучига, зўр ишонч, адолат учун кураш, ғайри имоний ва ғайри инсофий қилмишларга нисбатан муросасизлик, бахту саодатга кучли умид, риёкорликка нафрат аснолари маналан деб дарак бериб туради.

Ҳофиз Шерозий ғазаллари Алишер Навоий, Пушкин, Гёте, Фет, Муқимий, Фурқат каби ўткир қалам соҳибларини ҳам мафтун этган. Навоий ғазалчиликдаги уч устози ҳақида сўз юритаркан, Хисрав Деҳлавий, Абдураҳмон Жомий қаторида Ҳофиз Шерозийнинг ҳам мўътабар номини тилга олади. Буни биз унинг қуйидаги мисраларидан ҳам кўришимиз мумкин:

**Ғазалда уч киши тавридур ул навъ,**
**Ки ондин яхши йўқ назм эҳтимоли.**
**Бири мўъжизбаёнлик Соқдри Ҳинд,**
**Ки ишқ аҳлини ўтар сўзу ҳоли.**
**Бири исонафаслик Ринди Шероз,**
**Фано дайрида масту лоуболий.**
**Бири қудсий асарлик Орифи жом,**
**Ки жоми жамдурур синғон сафоли.**

Пушкининг Ҳофизга муҳаббати шу қадар кучли эдики, шу боисдан ҳам машҳур шоир «Ҳофиздан» шеърий туркумини яратганди. Гёте ҳам Ҳофиз ҳақида юксак фикрлар айтган, у буюк шоир ижодиётини «шодлик ҳамда қувноқлик минбари» деб, таърифлаган. Афсуски, Ҳофиз Шерозий ўзи ҳаётлигидаёқ яратган шеърларидан бирон бир «Девон» тузишга улгурмаган, фақат қалам соҳибининг қазоиятидан кейингина унинг шогирди Гуландом бундай ишни амалга оширишга муваффақ бўлган. Ҳофиз меросининг салобатли палласи унинг ғазалларига тўғри келади. Шоир ўз ҳамюрти Саъдий Шерозий ва Хусрав Деҳлавийлар яратган ғазал бўстонини янада кўркам этди, ғазалчиликни юксак пиллапояларга кўтаришга муваффақ бўлди. Қил қалам соҳибининг жўшқин ва лирик мисраларидан халқ қалбининг ҳароратли тепиши акс-садо беради, унинг эзгу ниятлари, олижаноб интилишлари кўзга ташланиб, сермазмун мисраларда жилоланиб туради:

**Топмадим бу оламн хокида асло одами,**
**Бошқа олам, янги одам қайтадин тузмоқ керак.**

Ўз даврининг адолатсизлигини, халққа, элга азоб-уқубатлар бераётган урушу жанжалларинг ғувоҳи бўлиб келаётган Ҳофиз Шерозий халойиққа шўр-шарлар келтираётган бу оламни қайта қурмоққа, бошқа олам, янгича замон ва янгича одамни етиштирмоқ-ка даъват этади.

Гоҳ изгиринли, гоҳ гармселли ҳаёт ва машаққатли турмуш исканжаси буюк иқтидор эгасини турли қийинчиликларга юз тутқазди. У болалик чоғлариданоқ оғир ҳаёт гирдобига тушиб, отадан эрта етим қолиб, турмуш азоб-уқубатлари нима эканлигини жуда эрта сезди. Болалагидаёқ ноиойга шогирд тушди, ки тобларни кўчириб ёзди... У машаққатли машғулот — шеър битишни анча эрта бошлади.

Ёш шоирнинг шеърлари тез орада халқ ичида тарқалди. Ҳофиз шеърияти жаҳондаги кўпгина халқлар орасида оммавийлашиб кетишининг сабаби — ғазалларининг ўткир нафосати, шўх-шанлигию дилраболиги, шоир мисраларида умумбашарий орзу-умидларнинг юксак бадиий даражада мужассам топиши, инсоннят улуғворлигининг мадҳ этилиши, кишиларнинг маънавий камолотига хизмат қилишидадир.

Шоир ўзи яратган ажойиб мисралари орқали гўзалликни, одамийликни, одоб-ахлоқни, шахс эркинлигини, эзгу умид, ниятларни куйлади, жаҳолат ва нодонликни қоралади, ноҳақликни фош этди:

**Жаҳл аҳли давлат орқали етмиш фалаккача,**
**Фазл аҳлининг етади фақат оҳу ноласи.**

Ҳофиз Шерозий 1322 йил атрофида таваллуд топган бўлиб, 1389 йилда қазоиятга юз тутди. Шоирнинг бутун умри ва ижодиёт палларари мураккаб ва жуда ҳам нотинч йилларда ўтди. Мана шу вазиятларни ҳаққоний мисраларда акс эттирган Ҳофизнинг замондоши Законий мана бундай ёзганди:

**Тинчликнинг ўзи қаерда экан?**
**Бунда ундан нишона ҳам йўқдир.**
**Бахт бизга ғазаб этар доим,**
**Бу ғазабга баҳона ҳам йўқдир,**
**Бўлди вайрона фазл уйи. Унда —**
**Эшигу остона ҳам йўқдир.**

Ўз замонасидаги зиддиятли сиёсий, иқтисодий, маданий аҳвол Ҳофиз ижодиётида ҳам акс-садо берди, шунинг учун ҳам унинг ижод мевалари муайян зиддиятли хусусиятлар касб этган... Севги, муҳаббатни куйлашда, маҳбуб ва маҳбубаларнинг қалб тепишини, нозик ҳиссиётуйғуларини жонли, дардли васф этишда Ҳофиз Шерозий юксак пардаларда ижод этди. У лирик кечинмаларга бой бир асарида шундай ёзади:

**Севгу қиссасин ҳеч ким Ҳофиздек**
**Шунчалик яхши васф этолмагай.**

Унинг қуйма мисраларида ажиб ўхшатишлару гўзал нисбат беришлар, нозик истиоралар бисёрдир.

**Мен шамдек туруб тиладим, жон фидо қилай,**
**Мен сари тонг шамоли каби эсмас у магар.**

Севгили ёр висолидан айрилиқнинг ғам-андуҳи мана бу дардли мисраларда ҳам ўз аксини топган:

**Кипригим решасидан қон томадур юз қатра,**
**Айрилиқнинг ғамидан чекса дил оҳу фарёд.**

Ҳофиз севги ўти нақадар кучли, таъсирли эканини, у ҳаттоки диний эътиқодлардан ҳам кишини чалғитиб қўйиши, маъшуқнинг дилини қўйдириб юбориши мумкинлигини ушбу мисраларда акс эттиради:

**Ўтли, пардозли юзи бирла гўзаллар дам-бадам,**
**Сўфийларнинг дил билан динини ғорат қилдилар.**

Шамсиддин Муҳаммад Хўжа Ҳофиз Шерозийнинг дурдона асарлари форсчадан жаҳонда ги кўпгина халқлар тилига таржима қилинган, шу жумладан, туркий тилларга ҳам. Буюк шоирнинг шеърлари 1958 йилда хассос шоирларимиздан Хуршид ҳамда Чустий томонидан ўзбек тилига табдил этилганди. «Соқийнома-дан»: дея аталган туркумни эса М. Муинзода ўзбекчага ўгирганди. Ҳофиз шеърлари Шоислом Шомуҳамедов, Жонибек Қувноқлар томонидан ҳам ўзбекчага таржима этилган.

ЗАМОНДОШИМИЗ бўлган атоқли ўзбек шоири Хуршид Ҳофиз Шерозийнинг мафтункор лирик шеърларига жуда ҳам эрта меҳр

## ҲОФИЗ ВА ХУРШИД ИЖОДИНИ ҚИЁСЛАГАНДА...

қўйган эди. У мактабда ўқиб юрган чоғлари даёқ Ҳофиз ғазалларидан кўпини ёддан айтиб берарди. Мадрасада таълим олган пайтларида эса буюк шоир ғазалларига муҳаммаслар боғлашга муваффақ бўлганди, шу жумладан, «Муҳаммас Ҳоиб бар ғазали Ҳофиз», «Муҳаммас Шукрий бар ғазали Ҳофиз», «Муҳаммас Шоҳидий бар ғазали Ҳофиз Шерозий»ларни ҳам. Кейинчалик эса Хуршид «ғазал мулкининг сардори» қаламига мансуб 100 дан ортиқ шеърларни ўзбек тилига таржима қилди ва Ҳофиз назмиётининг мухлисларига тортиқ этди. (Маълумки, шахсга сиғиниш даврида Ҳофиз шеъриятига ҳам нигилистик муносабатлар билдирилганди ва у ҳам «сўфий», «мистик» шоирлар қаторидан ўрин эгаллаганди). Шу жумладан таржимонлик санъатининг беназир намуналаридан бўлиб қолган мана бу дурдона мисраларни ҳам:

**Агар кўнглимни шод этса, ўшал Шероз жонони,**
**Қаро холига бахш этгум Самарқанду Бухорони...**

— Ҳофиз ва Хуршид 1892 йилнинг майида таваллуд топган. Ҳаёти ва ижодиётига мансуб маълумотлару манбаларни кўздан кечириб ўрганарканмиз, бу йил таваллудига 670 йил тўлаётган Шерозий туғилганига 100 йил тўлаётган Шамсиддин Шарофиддинов каби ажойиб шоирларнинг тақдирида, ижод жараёнида, орадан шунча вақтлар ўтиб кетган бўлсада, кўпгина ўхшашлик ва ҳамоҳангликлар мавжудлиги кўзга ташланади. Қуйидагиларга диққат берайлик-а, мазкур ўхшашликларни кўриб, албатта, ажабланамиз ва Хуршид Ҳофиз Шерозийнинг назмиётига ихлос қўйиши, унинг шеърларини ўзбек тилига табдил этиши, ғазалларига муҳаммаслар боғлаши ҳам бежиз эмас экан-да, деган фикр хаёлимизни забт этади:

— Ҳофиз Шерозийнинг ҳам, Хуршиднинг ҳам исмлари Шамсуддин бўлган;

— Икковлари ҳам 68 йил атрофида умр кўрганлар;

— Иккиси ҳам отадан эрта етим қолган, жиддий машаққатларни, турмуш қийинчиликларини бошдан кечиришган;

— Ҳофиз ҳам, Хуршид ҳам жуда эрта Қуръонни ёдлаб, ўткир қори бўлганлар; икковлари ҳам ҳадисларни, муножот, наътларни ёддан хушрўй ўқиганлар;

— Иккисини ҳам замондошлари «ринд» дейишган ва бундан воқиф бўлган Шерозий:

— **Риндликда бизни гап-сўз қилишди,** — деб ёзган бўлса, Хуршид эса:

— **Риндликда бизни дафтар қилдилар,** — деб мисра битган;

— Иккови ҳам ёзгулари сўнгида қўйилган имзоларида «Шамс» сўзини ишлатганлар; икки шоирнинг ҳуснихати ҳам гўзал эди, улар моҳир ҳаттот ҳам бўлганлар;

— Ҳофиз ҳам, Хуршид ҳам шеър машқ этишни жуда эрта бошлашган;

— Икки шоир ҳам «Ҳамса»даги уч достонга мурожаат қилган: Ҳофиз Ҳусрав Деҳлавийнинг «Хамса»сидаги уч достонни кўчирган, Хуршид эса Алишер Навоийнинг уч достони асосида шеърий саҳна асари яратган;

— Иккови ҳам уруш даҳшатларинг, очлик, муҳтожликларнинг гувоҳи бўлган: Ҳофиз мўғуллар тажовузини, Хуршид фашистлар асоратини;

— Икки қалам соҳиби ҳам жонли, дардли, ҳароратли ғазаллар битган, бадиий баркамол, фалсафий мушоҳадаларга бой шеърлар яратган;

— Икки ҳассос шоир ҳам ўз шеърияти билан амирлар эътиборини жалб этган: Ҳофиз Шерозий Амир Темур эътиборини:

**Агар кўнглимни шод этса ўшал Шероз жонони,**
**Қаро холига бахш этгум Самарқанду Бухорони,**

каби мисралари боис, Хуршид эса Амир Олимхон диққатини:

**Юз каъба бино айлама, бир дилни қувонтир,**
**Соғларни ҳалок айлама, қил хастага парво:**

сингари шеърлари билан;

— Иккиси ҳам ўз давридаги катта халқ қўзғолонларининг гувоҳи бўлишди: Ҳофиз сарбадорлар исёнининг, Хуршид эса 1916 йилдаги мардикорлар қўзғолонининг;

— Икки ўткир қалам эгаси ҳам ўз замонасида дурустроқ қадр топмади: Ҳофиз ҳам, Хуршид ҳам умрларининг охиригача бечораҳолликда яшадилар, камситилдилар, азиятлар чекдилар, ғамдан бошлари чиқмади. Шерозий:

**Мадоринг кетмиш, э дил,**
**Ғам юки остида қолмишсан...**

деб ёзди. Хуршид эса:

**Ғам юки остида қолди**
**Бу сарв қоматим...**

дея шеър битди.

Ҳофиз «зиёли фикрлари» учун 1366 йилда қувғинга учради, Хуршид эса «зарарли ижодиёти учун» 1946 йилда «миллатчи» тамғаси билан Ёзувчилар уюшмасидан ҳайдалди;

— Ҳофиз ўз ғазалларини куйга солган. Хуршид ҳам ўз шеърларига куйлар пайванд этган. Икковининг ҳам талайгина шеърлари классик куйларга боғланиб, машҳур хонандалар томонидан ижро этилиб келинган (Тўйчи ҳофиз, Шерозий Ёқубов, Шораҳим Шоумаров, Қори Ёқубий, Комилжон Отаниёзов ва бошқалар);

— Иккиси ҳам зулм, истибдод қанчалик давом этмасин, ахир бир кун ёруғлик ҳукм суриши, тун мавҳ бўлиши, тонг отишига ишонди ва бу ҳақда шеърлар битиб, бизга беҳаҳо маданий мерос қилиб қолдирди. Ҳофиз Шерозий пурмазмун мисраларини бизга ҳадя қилиб кетди:

**Сабр айла, эй, кўнгил, емагил ғамки, оқибат —**
**Шом орқасида тонг отару тун саҳар бўлар...**

Хуршид ҳам мана шу каби мазмундаги зарин, сермаъно шеърини бугунги ва эртанги авлодларга тортиқ этди:

**Толеинг уйғонгуси Хуршид, анга йўқдир гумон,**
**Ҳар қаро тун сўнгида тонг отди, чиқди офтоб...**

Ҳа, истилочи, босқинчилар зулмидан ўз замонасида оҳ чеккан Ҳофиз Шерозий Мовароуннаҳрдаги бизнинг аждодларимиз ҳам урушлару талон-тарожлар натижасида эзилганини, кўз ёшлари дарёдай оққанини яхши биларди ва ўзининг кўз ёшларини «наҳри Жайҳун»га нисбат бериб, кўлажали кунлар ортидан қачонлардир албатта ёруғ кунлар ҳам келишига ишонарди:

**Ғамдан оқмоқда кўзим бурчида наҳри Жайҳун,**
**Оҳ, агар бўлса бу кун орқасида тонгласа кун.**

Ушбу мазмундор мисраларни ўқир эканмиз, буюк шоир худди бизнинг кунларимиздаги истиқлолий ўзгаришларни назарда тутгандек, башорат қилгандек туюлади...

Ўткир фалсафий мушоҳадалар эгаси бўлган шоирнинг мана бу чуқур мазмунли мисраларига ҳам эътибор берайлик-а:

**Топмадим бу олами хокида асло одами,**
**Бошқа олам, янги одам қайтадан тузмоқ керак.**

Ҳофиз Шерозий инсоний инсонларни вояга етказиш ва улар билан янгича олам бунёд этиш, янгича қиёфадаги шахсни камол топтириш ҳақида сўзлайди ва бунингдек эзгу ишни амалга оширишга даъват этади. Буюк назмиётчининг мана шу башоратомуз сўзлари айниқса, бугунги кунда долзарб бўлиб янграйди... Ҳа, Ҳофиз шеърлари бугун ҳам курашда, ғайри инсонийликка қарши исёнда, у кишиларга юксак маънавийлик ва нафосат бахш этмоқда.

Баҳриддин НАСРИДДИНОВ,
Тошкент Давлат маданият институтининг доценти, Ёзувчилар уюшмасининг аъзоси.
Раҳима ШАРАФИДДИНОВА,
Ўзбекистон Фанлар академияси Ҳамид Сулаймон номидаги Қўлёзмалар институтининг илмий ходими.

ПАРКЕНТ РАЙОНИ ХЎЖАЛИКЛАРИДА

# ТУГАЛЛАНИБ ҚОЛДИ

СЕРЁҒИН келган йилда бошоқли ўсимликлар жуда яхши ривожланди. Ундан мўл ҳосил олишни ният қилиб қўйган деҳқонлар ўримйиғимга пухта ҳозирлик кўрдилар. «Коммуна» давлат хўжалигида арпа ўрими тугалланиб қолди. Деҳқонлар ҳосилнинг деярли асосий қисмини саранжомлаб олишди. Хўжалик механизаторлари бугдойзорларга ҳам ўроқ солиш учун тайёргарлик кўриб туришибди. «Гулбоғ» давлат хўжалиги миришкорлари эса будғой ўримига киришдилар.

# ҚИШ ҒАМИДА

Бу ИЙЛГИ табиий қулайликлардан фойдаланиб камида 4350 тонна дағал хашак тайёрлашни мақсад қилиб қўйган «Коммунизм» давлат хўжалиги меҳнаткашлари пичан ўримини давом эттирмоқдалар. И. Дўстов, А. Қурбонов каби захматкашлар зиммаларидаги мажбуриятни аъло даражада адо этмоқдалар. «Ленинобод» давлат хўжалиги пичан ўримини жадаллик билан олиб бормоқда. Бу ерда Т. Тўраев каби механизаторлар кунига саккиз тоннадан хашак ташиб, бошқаларга ўрнак бўлишмоқда.

З. МИРОБИДОВА.
(ЎзА мухбири).

САНЪАТ ЯНГИЛИКЛАРИ

# ТЕАТРНИНГ ЯНГИ МАВСУМИ

**Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон республикаси Давлат Катта Академик театри ўзининг 64-мавсумини Иззат Султон ва Уйғун асарига М. Бурхонов либреттоси — «Алишер Навоий» операси билан бошлади. Уни Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, Ҳамза номидаги республика давлат мукофотининг совриндори Б. Йўлдошев саҳналаштирган. Янги мавсумда М. Ашрафийнинг «Дилором» операси қайта саҳна юзини кўради.**

(ЎзА).

# ЎЗИНИ КЎРГАНДЕК БЎЛАСИЗ

Таниқли ҳайкалтарош Қосим Мирзараҳимов ўзининг кўп йиллик самарали ижодий изланиши давомида талайгина ёрқин сиймоларни жонлантирди.

Бугунги кунда ҳам у қайноқ ижод билан банд. Буни уй коллекциясидан билса ҳам бўлади. «Атоқли селекционер олим» деб номланган асарда ҳайкалтарошнинг ўзига хос бадиий услуби ёрқин намоён бўлган. Уни томоша қилган киши Шредер номли боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори, Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги фанлари академиясининг ҳақиқий аъзоси М. Мирзаевнинг ўзини кўргандек бўлади.

А. АКБАРОВ.


# ЭЪЛОНЛАР, БИЛДИРУВЛАР

**Ташкилотлар, корхоналар ва кооперативларнинг раҳбарлари диққатига!**

**«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБААЧИЛИК КОНЦЕРНИ**

идора китоблари, ҳар хил ён дафтарчалар, китобча ҳолига келтирилган босма иш қоғозлари, конспектлар ёзиш учун дафтарлар ва бошқа қоғоз маҳсулотларини

## ТАЙЁРЛАБ БЕРАДИ ВА СОТАДИ

Маҳсулотлар олдиндан ҳақ тўлаш шартларида ва нақд пулга сотилади.

Қуйидаги манзилга мурожаат қилинсин: Ленинград кўчаси, «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концернининг хизмат биноси.

Маълумотлар олиш учун телефонлар: 33-58-72, 33-50-75, 33-84-78, 33-80-07, 33-90-50.

**БУЮРТМАЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!**

**«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБААЧИЛИК КОНЦЕРНИ**

**Босма маҳсулотларнинг қуйидаги турлари бўйича шошилинч ва оддий буюртмаларни**

## ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

— юмшоқ муқовали китоблар, брошюраларнинг ҳажми 384 қоғоздан ошмаслиги керак, формати 84×108 1/32, 70×108 1/32, 84×108 1/16, 70×108 1/16;

— рангли буклетлар, проспектлар, болалар учун мўлжалланган юмшоқ муқовали китобчалар, ёрлиқ (этикетка)лар, открткалар ва босма маҳсулотларнинг бошқа турлари. Қоғоз формати 60×45 дан 90×120 см. гача;

— рангли бўёқда бажарилган деворбоп гул қоғозлар ва текстуралар;

— буюртмачининг картонидан ясалган рангли қутичалар;

Сизнинг қоғозингиз ва бизнинг меҳнатимиз эвазига юқори сифатли бажарилган буюртмаларга эга бўласиз!

Қоғозингиз ёки босма материалларни топишда қийналсангиз, у тиржам бўлинг, Сизга уни биржа орқали харид қилишга ёрдам берамиз.

Босма маҳсулотларнинг тайёрланиш муддати қуйидагича:

тайёр матрица ва позитивлардан — 1 ойгача,
асл нусхадан, яъни оригиналдан — 2 ойгача.

Қлише, шильда, бланк, канцелярия дафтарлари концерн қоғозидан чекланмаган миқдорда тайёрлаб берилади.

Мурожаат қилиш учун манзилгоҳ: 700083, Тошкент шаҳри, «Правда» газетаси кўчаси, 41-уй.

Телефонлар: 33-80-07, 33-84-78, 33-90-50, 32-55-31.


Тошкент ҳақиқати

МУАССИСЛАР: ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ КЕНГАШИ ВА «ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» ЖУРНАЛИСТЛАР ЖАМОАСИ.

БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲ: 700000 ТОШКЕНТ, ГСП ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32.

Телефонлар:

ХАТЛАР ВА ОММАВИЙ ИШЛАР БЎЛИМИ — 33-40-48.
ЭЪЛОНЛАР ВА ТИЖОРАТ БЎЛИМИ — 33-99-15.

Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни. 700000, Тошкент, ГСП, Ленинград кўчаси, 32. Рўзнома офсет усулида А—2 форматида босилади.

1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12

Нашр кўрсаткичи: Г—220. Индекс: 64672. Босишга топшириш вақти — 20.30. Босишга топширилди — 18.30. 31646 нусха босилади.